

Боқий фикр
Фуқаролар билан
давлат ўзаро ҳуқуқ
ва бурчлар орқали
боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 3-dekabr, chorshanba № 97 (8746)

ПРЕЗИДЕНТ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабрь кун Оқсаройда икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи раундида иштирок этиш учун Тошкентга келган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Ниша Десаи Бисвални қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланган амалий ҳамкорлик суръатини ижобий баҳолади.

Учрашувда таъкидланганидек, турли даражадаги доимий мулоқот-

лар томонларга бир-бирини англаш, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш имконини бераётир. Бу давлатлараро миқёсда, шунингдек, илм-фан ва таълим, маданият ва санъат намояндалари, фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Мулоқот чоғида халқаро масалалар, жумладан, минтақамиз ва унинг ташқарисида ҳам хавфсизликка таҳдид солаётган Афғонистон муаммосига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат котиби ёрдамчиси АҚШ Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни ўнглаш бораси-

даги саъй-ҳаракатларини, давлатимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашда кўрсатаётган ёрдамчиси юксак қадрлашни таъкидлади.

Ниша Десаи Бисвал самимий қабул, ўзаро ҳамкорликка оид ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имконияти яратилгани учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Америкалик дипломат ўз давлати раҳбарияти номидан АҚШ Ўзбекистон билан кўп қиррали ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалар муҳим ўрин эгаллайди. АҚШнинг йирик компаниялари билан иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик давом этмоқда.

Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси алоҳида аҳамиятга эга. Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкентда Ўзбекистон ва АҚШ бизнес вакиллари иштирокида ушбу палатанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎЗА

О'zbekiston Konstitutsiyasi — xorijliklar nigohida

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини мужассамлаштирган ҳуқуқий қомусдир. Асосий қонунимиз хорижда ҳам юксак қадрланади. ЎЗА мухбирлари хорижликларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.

Тхуан НАМ, ишбилармон (Жанубий Корея):

— Хизмат тақозоси билан бир неча йилдан буён оилам билан Ўзбекистонда яшаймиз. Гузал ва осойишта юртингиз, самимий ва меҳмондўст халқингиз биз учун жуда азиз бўлиб қолди.

Ўзи яшаб турган юртининг қонунларини билиш ва унга риоя этиш ҳар бир шахснинг бурчидир. Мен ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яхши ўргандим. Унда мамлакатдаги чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши белгиланган. Бу мамлакатнингизда инсон қадири гоят улуғланиши, халқаро алоқаларга кенг йўл очилганидан далолатдир. Шу каби де-

мократик тамойиллар Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувликни таъминлашда мустаҳкам асос бўлмоқда.

Майкл ТЕНГ, Сингапур ишлаб чиқарувчилари федерацияси вакили:

— Сингапурда қонунларга ҳурмат билан қаралиши кўпчиликка маълум. Ўзбекистонда ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган — қонун устуворлиги Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «ўзбек модели»нинг асосий тамойилларидан бири сифатида белгиланган. Бундай оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистон изчил ривожланиб бормоқда. Зеро, қонун устуворлиги тараққиёт асосидир.

(Давоми 2-бетда.)

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kun



ЭРКИНЛИК, АДОЛАТ ВА ТЕНГЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Эркинлик, тенглик, адолат, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятнинг сайлов асосида вужудга келиши, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд қарорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги, айбсизлик презумпцияси — буларнинг барчаси демократиянинг энг муҳим белгилари бўлиб, демократик давлатлар конституцияларининг муҳим принципларини ташкил этади.

Шу маънода юқорида келтириб ўтилган демократик принципларни ўзида мужассам этган Конституциямиз қабул қилинган кун мустақил Ўзбекистон тараққиётида сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик тарихий сана бўлиб қолди.

Мана, қарийб йигирма икки йилдан бери давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугуни, балки келажак гини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизга ҳуқуқий пойдевор бўлган Конституциямиз қоидалари асосида яшаб келмоқдамиз. Барча-

миз ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигининг ҳуқуқий кафолатини таъминловчи Бош қомусимизда зикр этилган мақсад ва мудиҳларга эришиш йўлида меҳнат қилмоқдамиз.

(Давоми 8—9-бетларда.)

БИТИРУВЧИЛАР ТАШАББУСКОР

3-бет

БИР ЙИЛЛИК ТАЖРИБА

чет тилини ўқитишдаги муаммоларни
ҳал этишда қўл келмоқда

5-бет

ЖОН РИШТАСИН БОҒЛАБ ОЛИНГ ЖОНИНГИЗГА

10-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, молия ва кредит тизими алоҳида бобларда баён этилган. Шу асосда ташкил этилган мулкчилик шакллари, қулай ишбилармонлик муҳити самарасида мамлакатингиз иқтисодиёти тобора ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши муттасил 8 фоздан ошаётгани таҳсинга лойиқ.

Маниша ГУПТА, ҳуқуқшунос (Ҳиндистон):

— Дунё ҳуқуқшунослари эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида кўп гапирди, анжуманлар ўтказди, ҳужжатлар қабул қилди. Лекин мен билган конституцияларнинг ҳеч бирида бу тўғрисида алоҳида модда йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тамойил алоҳида модда би-

лан мустаҳкамлангани эътиборга молик. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган бу модда мамлакат ҳаётида тўла ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камидан ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги қонунчилик нормаси ҳам алоҳида эътиборга сазовор. Тадбиркор аёллар сафи кенгаймоқда. Хотин-қизлар манфаатларига йўналтирилган нодавлат ташкилотлар қўллаб-қувватланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Конституциясида узққни кўзлаб белгиланган меъёр ва қоидалар самарасидир.

Харви БОИСГУИЛЛАУМЕ, Франция Экология, барқарор ривожланиш ва энергетика вазирлиги департаменти директори:
— Ўзбекистон Республи-

каси Конституциясида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга мувофиқ мамлакатингизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Табиати асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Оролбўйидаги экологик ҳолатни яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бунга мисол бўла олади.

Поҳамба ШИФЕТА, Намибия атроф-муҳит ва сайёҳлик вазирининг ўринбосари:

— Дунёнинг кўп жойларида бўлганман. Лекин Ўзбекистондек чиройли юртни, ўзбек халқидек бағрикенг, тинчликсевар халқни учрат-

маганман. Бу принциплар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз аксини топган.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширадиган энг муҳим омиллар, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат. Дарҳақиқат, тинчлик ва оқилоналик барқарор мамлакатга сайёҳлар ҳам кўп келади.

Муҳаммад МАҲМУД, Савдо, саноат, хунармандлик ва сайёҳлик вазирлиги департаменти директори (Мавритания):

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш борасида амалга оши-

рилаётган ишларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича бarcha шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар яратилгани хорихда кенг эътироф этилади. Бунинг тасдиғини мамлакатингизнинг халқаро алоқалари тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин. Шу боис мамлакатингиз билан савдо, саноат ва сайёҳлик соҳаларида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантириш ниятидамиз. Зотан, Ўзбекистонда чет эллик инвесторларнинг самарали фаолияти юретиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган.

ЎЗА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ВАТАН КЕЛАЖАГИ – СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА



Анджонда “Ватан келажаги — сенин қўлингда!” шиори остида ёшлар тарғибот форуми бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларидан 500 га яқин фаол ёшлар иштирок этди.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ривожланиш тамойиллари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, улар онгида Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини юксалтириш мақсадида қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ёшлар тараққиёт борасидаги ўз қарашларини билдирдилар. Тадбир доирасида ёшлар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

ЎЗА фотомухбири Зухриддин УМУРЗОҚОВ олган суратлар.



Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида “Бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитиш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Британия кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идора вакиллари, умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва чет тили ўқитувчилари иштирок этди.

ЯНГИ ДАРСЛИК МУҲОКАМАДА



Анджуманда сўзга чиққанлар Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилаётган ишлар ва янгиликлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. 3-синф ўқувчилари учун нашрга тайёрланаётган “Kids' English” дарслиги муаллифлари ўқув қўлланманинг қулайлик ва афзалликлари ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, давра суҳбатида бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитишнинг самарали усуллари, педагогларнинг узлуksиз касбий малакасини ошириш, ўқувчилар билимларини баҳолаш мезонини ўрганиш масалалари таҳлил этилди.

— Бошланғич синф ўқувчиларининг инглиз тилидаги кўникмаларини оширишда педагогларга ўқув қўлланмалари асосий ёрдамчи бўлиб хизмат қилади, — дейди “Kids' English” дарсликлари муаллифи Лут-

фулло Жўраев. — Айни пайтда замонавий коммуникатив методикалар асосида яратилаётган янги дарсликни тайёрлаш бўйича иш олиб бораёلمиз. Ўқув қўлланма Республика таълим маркази, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, ЎзДЖТУ хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази мутахассислари тавсиялари асосида такомиллаштирилмоқда.

Инглиз тили ўқитувчиларига дарсликдан унумли фойдаланиш, машгулотларни юқори савияда ташкил этиш бўйича мутахассислар томонидан керакли тавсиялар берилди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА, “Ma'rifat” мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2014-yil 3-dekabr, № 97 (8746)

КОЛЛЕЖДАЁҚ ТАДБИРКОР

Касб-хунар коллежлари битирувчиларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда кенг имконият ва имтиёзлар бериш борасида яратилган мустаҳкам тизим сабаб Бухоро вилоятида ҳам ўз бизнесини ташкил этиб, оиласининг муқим даромад манбасини шакллантиришга ҳисса қўшаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

Бухоро солиқ коллежи битирувчиси Шаҳзодбек Остонов ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, банкдан 7 миллион 200 минг сўм кредит олган эди. Ушбу маблағ эвазига иссиқхона ташкил этиб, сабзавот экинлари парваришини йўлга қўйди. Ёш тадбиркорга иссиқхонада экин ўстириш юзасидан эгаллаган билим ва кўникмалари бизнесини ривожлантиришда қўл келди.

— Айни пайтда иссиқхонада картошка, баҳорги помидор ва турли қўкатлар етиштириб, халқ дастурхо-

нига туҳфа этаёпмиз, — дейди Шаҳзодбек. — Дастлабки даромадим эвазига кредитим деярли қопланди. Келажақда иш ҳажминини янада кенгайтириб, цитрус мевалар етиштиришни режалаштиряпман.

Пешку саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Илгоржон Имомқулов ҳам тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида имтиёзли кредит олишни режалаштириб, банкка мурожаат қилди. Хусусий ферма ташкил этиб, қорамол кўпайтириш ва бозорларни сут

ҳамда гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга ўз улушини қўшишни мақсад қилган бу ғайратли йигитнинг эзгу ниятини бошқалар ҳам астойдил қўллаб-қувватлашди. Натижада у Халқ банкидан уч миллион сўм миқдорда кредит олди.

— Туманимиз ерларининг унумдорлиги, айниқса, йилловларнинг қўлиги фермадаги қорамолларни боқиш ва улар учун емиш гамлашда жуда қўл келади, — дейди Илгоржон. — Банкдан олинган маблағ ҳисобига қорамол сотиб олдим. Эндиликда уларнинг сонини кўпайтириб, бир йил ичида олган даромадим ҳисобига кредитни тўла қоплашни режалаштирганман. Кейинчалик сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхона ташкил қилиб, иш ўринлари яратиш ниятим бор.

Milliy dastur — amalda

Муҳаммаджон Ҳамроев Ғиж-дувон маиший хизмат касб-хунар коллежида таҳсил олади. Устози Жасур Тошев унда техник йўналишда ихтирочилик қобилияти борлигини англагач, шогирдига алоҳида эътибор билан қарай бошлади.

— Унга жисмини ҳаракатлантириш назариялари ҳақида чу-

тишли шестернялар, ҳар бир оёғига тўрттадан ДВД моторчаси ўрнатилган. Моторга дискни айлантирадиган ускуналар мустаҳкамланган, кўз сезгила-ри учун лазер фотодиод қўлланилган. Роботни ҳаракатлантириш учун ток ёки қувват-лантиригичдан фойдаланилади. Аслида, бу Муҳаммаджон-

ЎҚУВЧИНИНГ ИХТИРОЛАРИ

курроқ тушунча берган эдим, барча билимларини жамлаган ҳолда ҳаракатлантирувчи робот яратди, — дейди Жасур Тошев. — Оддий қоғоз картон, скотч ва ДВД каллакчаси воситасида яратилган бу робот бир қарашда у қадар ақлий меҳнатни талаб этмагандек кўриниши мумкин. Аммо бу қўлбола "одамча"нинг ҳаракатларини, яъни орқа-олдинга юриши, бошини ўнгу сўлга буриши, кўз сезгирлигини таъминлаш теран ақлий тафаккурни, узоқ изланиш ва меҳнатни талаб этади.

Роботнинг калла қисмида

нинг биринчи ихтироси эмас. Дастлаб у узоқ масофадан электр токини аниқлаб берувчи аппарат яратганди. Бу аппарат узилган электр симлари ва антенналарда ток бор-йўқлигини аниқлашда қўл келади. Иккинчи ихтироси эса магнитли кран. Мазкур кран ўзида магнит майдони ҳосил қилиб, темир қириндиларини йиғиб олади.

— Эндиликда илк икки ихтиромни ҳаракатланувчи робот-дана қўриш орқали бир бутун фойдали техникани яратиш ҳақида бош қотираёпман, — дейди ёш ихтирочи.

БИТИРУВЧИЛАР ТАШАББУСКОР

Аграр соҳа учун кичик мутахассислар тайёрлашга ҳисса қўшаётган Когон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи жорий йилида қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Бугун замон талаблари асосида жиҳозланган мазкур таълим муассасасида етти йўналишда ўқувчиларга касб-хунар сирлари ўргатилмоқда. Бухгалтер, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ва созлаш бўйича техник, пайвандлаш жиҳозлари механиги, трикотаж ишлаб чиқариш техник-технологии, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги, гидромелиоратив машина ва жиҳозлардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш механиги сингари мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

— Таълим муассасамиз Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити асосида жиҳозланган, — дейди директор Мурод Йўлдошев. — Айниқса, устaxonамизнинг 2012 йили Германиянинг техникавий ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигида керакли ускуналар билан таъминлангани ўқувчиларнинг касб-хунар сирларини пухта эгаллашлари учун муҳим омил бўлаётир. Бу дастгоҳлар мева-сабзавот қўритишга мўлжалланган энг сўнгги технологиялардир. Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити ҳисобидан сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган йиғирма хилдан зиёд ускуналар билан жиҳозланган амалиёт ўқуви хонаси кичик цех сифатида ўғил-қизларнинг касбий малакаларини шакллантириш учун хизмат қилмоқда.

— Коллежимиз асосан қишлоқ хўжалиги тармоғи учун мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилгани боис соҳа тараққиётига ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи ўз ҳиссасини қўшишга интилади, — дейди директорнинг касбий таълим ишлари

бўйича ўринбосари Шухрат Бердиев. — Коллежимиз 20 гектар тажриба ер участкасига эга. Етиштирилаётган маҳсулотлар бугун элимиз дастурхонига ризку насиба бўлиб кири бораётганида ўқувчиларимизнинг ҳам ҳиссаси бор. Улар ер билан тиллашади, уруғ сепилган кундан то ҳосилни йиғиб олгунча ўз меҳнатларини аямайди.

Коллеж ўқувчилари, шунингдек, умумтаълим ва махсус фанлар йўналишида турли кўрик-танлов, олимпиада ва спорт мусобақаларида ҳам муносиб иштирок этмоқда. Жумладан, ўтган ўқув йилида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови вилоят босқичида учинчи, "Шунқорлар" беллашувида иккинчи, "Юксак маънавиятли авлод" кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллади. Коллежнинг волейболчи қизлари жамоаси "Баркамол авлод" мусобақаларининг вилоят босқичида учинчи ўринни қўлга киритгани спорт тўғрақлари фаолиятининг самарали йўлга қўйилганини кўрсатади. "Ёш чегарачилар" танловининг республика босқичида муносиб иштирок этиб қайтган Фурқат Исмоилов коллежнинг фаҳрига айланди. Шу билан бирга, битирувчиларнинг кўпчилиги нуфузли олий таълим муассасалари талабалари қаторидан ўрин олмоқда. Улар орасида кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганлар ҳам кўп.

— Мен ўз бизнес лойиҳамни «Микрокредитбанк»нинг Когон бўлимига тақдим этиб, 4 миллион 800 минг сўм миқдорда кредит олдим, — дейди коллеж ўқувчиси Гулшан Аҳмедова. — Кредитни чорва молларини парвартириш ҳамда сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадига йўналтиряёпман. Бу борада мени оила

аъзоларим, айниқса, отам қўллаб-қувватлапти.

Ромитан агробизнес касб-хунар коллежи 2014-2015 ўқув йилида бухгалтерия, менежмент, компьютер жиҳозларини таъмирловчи уста, агроном, қишлоқ хўжалиги машиналарига хизмат кўрсатиш техник-механиги, тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш техник, товаршунослик сингари мутахассисликлар бўйича ўқувчиларни ўқишга қабул қилди.



— Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Улар таҳсил олаётган масканларда барча имконият ва шароитлар яратилган, — дейди коллеж директори Амрилло Каромов. — Физика ва кимё лаборатория хоналари, компьютер синфлари, чет тили ўқув лингафон хоналари замон талабларига мос равишда жиҳозланган. Шунингдек, Эта тикув ва тикув-трикотаж ишлаб чиқариш, трактор ва автомобиль тузилиши устaxonалари ўқувчи-ёшлар учун мунтазир. Бу ерда қизгин амалиёт жараёни кечади.

— Танлаган касбимга қизиқишим ниҳоятда юқори, — дейди битирувчи Бобир Бафоев. — Ўтган ўқув йилида "Менинг бизнес гоям" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этдим ва 5 миллион сўм кредит маблағини қўлга киритиб, бизнес режамда белгиланганидек, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга туширдим.

Таълим муассасасида таҳсил олаётган ёшларнинг касб маҳоратини ошириш мақсадида бир нечта ишлаб чиқариш корхоналари билан

ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Ромитан йўл пудрат корхонаси, "Ромитан стар" МЧЖ, "Оқ олтин" ОАЖ сингари васий ташкилотлар, Ромитан машина ва трактор парки ҳамда "Мурод Аҳмад Бахтиёр", "Муҳриддин Миршод Дилшод" сингари бир қанча фермер хўжаликлари коллеж ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш ва битирувчиларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Самарқанд давлат чет тиллар институтида Конфуций институтининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Шанхай хорижий тиллар университети вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бугунги кунда барча соҳаларда, жумладан, таълим тизимида ҳам изчил ривожланиётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган учрашувларида эришилаётган келишувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Самарқандда Конфуций институтини ташкил этиш бўйича битим Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан 2013 йилнинг сентябрида мамлакатимизда бўлган Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ташрифи чоғида имзоланган эди.

Тадбир иштирокчилари институтда хитой тили ва маданиятини ўргатиш юзасидан яратилган шароитлар билан танишди.

❖ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида янги "Эразмус Плюс" халқаро таълим дастурининг ахборот кунли бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Европа Иттифоқи делегацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртлири, вазирлик ва идоралари вакиллари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик миссиялар ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлири "Темпус" ва "Эразмус Мундус" халқаро таълим дастурларида фаол иштирок этиб келмоқда. Тадбир ташкилотчиларининг сўзларига кўра, 2014—2020 йилларга мўлжалланган "Эразмус Плюс" дастурида ҳам олий таълим муассасаларининг иштироки янада самарали бўлади.

"Эразмус Плюс" Европа Иттифоқининг таълим, касб-ҳунар таълими ва спорт соҳасидаги дастури бўлиб, турли мамлакатлар талабаларига Европа олий ўқув юртлирида таълим олиш, университетлар ўқитувчиларига эса ўз малакасини ошириш имконини беради.

Анжуманда "Эразмус Плюс" дастури ва мамлакатимиз олий ўқув юртлири учун халқаро ҳамкорлик имкониятлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

❖ Андижон вилоятининг Жалакудук туманида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида ўттизга яқин корхона, ташкилот ва муассаса ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани, Жалакудукда ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Маълумотларга кўра, туманда жорий йилнинг ўтган даврида уч минг тўрт юздан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Бунда жойларда ташкил этилган ўнга яқин меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этди.

— Бугунги ярмаркада ҳам кўпроқ кичик корхоналарга ишга кириш учун йўлланма берилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Садбархон Маметова. — Уларнинг асосий қисми коллеж битирувчилари ва хотин-қизлардир.

❖ Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Амалиёт ва журналист маҳорати" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Университет ректори Ф.Муҳамедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида кенг қўламли ислохотларда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, журналист кадрларнинг касб салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Журналистикага ихтисослашган олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқув-танишув ва ишлаб чиқариш амалиёти давлат таълим стандартлари асосида олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида ўқув амалиётини самарали ташкил этиш учун мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Анжуманда журналист кадрларни тайёрлаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, тахририятлар билан олий таълим даргоҳлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, талабаларнинг ўқув амалиёти самарадорлигини таъминлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

АКТ татбиқи — таълим истиқболи

Навоий вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Умумтаълим мактаблари таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Икки кунлик анжуманда юртимизнинг нуфузли олий таълим муассасалари профессор-олимлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчи-педагоглари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар АКТнинг халқ таълими тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги ўрни, таълим сифат ва самарадорлигини юксалтиришдаги аҳамияти, педагоглarning таълим ре-

сурслар ва компьютер техникаларидан фойдаланиш кўникмасини янада ривожлантириш ҳамда табиий фанларни ўқитишда АКТнинг родини ошириш хусусида фикр билдирдилар. Маънавий-маърифий ахборот технологиялари асосида инновацион ёндашувнинг жорий этиш бўйича илғари сурилган фикрлар ўқитувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мутахассислар

электрон дарслик ва қўланмалардан фойдаланишнинг афзалликлари, АКТни таълим жараёнига кенг татбиқ этишнинг самарали йўллари хусусида атрофлича маълумот бердилар.

Тадбирда ўқитувчилар таълим тизимига оид янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан таништирилди. Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг АКТдан фойдаланиш тажрибалари видеолавҳалар ва слайдлар ёрдамида намойиш этилди.

Анжуманда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

А.ПҮЛАТОВ,
Навоий вилоят ПҚҚТМОВ
кафедра мудири

Самарқандга сермазмун саёҳат

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши томонидан Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳат уюштирилди.

Саёҳат Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши тасарруфидида "Касаба-сайр" шўба корхонаси томонидан Тошкент—Самарқанд—Тошкент йўналиши бўйлаб "Афросиёб" тезорар поездида амалга оширилди.

Таълим, фан ва маданият ходимларининг ажодларимиз қолдирган бой маданий ва маънавий меросга қизиқишларини ошириш, бугунги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари билан таништириш, шунингдек, тарих ҳақидаги билимларини

бойитиш мақсадларига қаратилган мазкур саёҳат давомида 50 нафар саёҳатчи Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари — Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи, Хўжа Ахрор Валий зиёратгоҳи, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Шохизинда мақбараси, Улугбек расадхонаси, Хўжа Дониёр мақбараси, Бибиҳоним масжидини бориб кўрдилар.

Саёҳат давомида меҳмонлар тарихий обидаларни сақлаш ва кейинги авлодга бус-бутун етказиш борасида олиб борилаётган ишларга ғувоҳ бўлдилар.

Саёҳатчилар кўтаринки кайфиятда Тошкент шаҳрига қайтиб келишди.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ёшлар соғлом ҳаёт тарафдори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан «Соғлом бола йил» муносабати билан эълон қилинган грант танловида Ўзбекистон—Франция дўстлик жамияти «Соғлом бола — келажакимиз пойдевори» мавзусидаги лойиҳаси билан иштирок этиб, голибликни қўлга киритди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида Ўзбекистон—Франция дўстлик жамияти ҳамда Ибн Сино жамоат фонди ҳамкорлигида «Ёшлар соғлом ҳаёт тарафдори — ОИВ/ОИТСсиз

келажак сари» маънавий-маърифий тадбири ҳам ана шу грант доирасида ташкил этилди.

Маънавий-маърифий тадбирда мазкур лицей ўқувчилари «Дўстлик», «Авиценна» ва «Камолот» гуруҳларига

бўлинган ҳолда билимларини намойиш этишди.

Ўқувчилар жамиятдаги ОИВ/ОИТС, одам савдоси, гиёҳвандлик, чеки каби иллатларнинг аяникли оқибатлари ҳақида саҳна асарлари ижро этишди.

Тадбир якунида голиблар ва фаол иштирокчиларга Ибн Сино жамоат фонди, Ўзбекистон—Франция дўстлик жамиятининг диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Дилфуза ТОШКЕНБЕКОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Демократик давлатнинг ҳуқуқий асоси

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида Бош комсомизининг 22 йиллик муносабати билан "Конституция — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қаfolати" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, "Камолот" ЁИХ марказий кенгаши ва бошқа маъсул идораларнинг вакиллари ўз маърузалари билан иштирок этди.

— Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига кенг ўрин берилган. Бу эса юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият эканидан далолат беради, — дейди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази етакчи мутахассиси Ик-

ромжон Соипов. — Конституция бу — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги мустаҳкам пойдевордир.

Таъкидлаш жоизки, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ўтказилаётган бундай илмий-амалий семинарлар курсантларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

— Бугунги илмий-амалий семинарда "Ҳуқуқий демократик давлат қуришда сайловларнинг ўрни" мавзусидаги маърузам билан қатнашдим, — дейди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби 4-босқич курсанти Фаррухжон Абдурахмонов. — Маърузамда демократиянинг бош белгиси сайловлар масаласига ва сайловга оид мустаҳкам қонунчилик базаси, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳақида тўхтадим.

Тадбир сўнггида мутахассислар иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

Хурлиман НУРЖАНОВА

2014-yil 3-dekabr, № 97 (8746)

БИР ЙИЛЛИК ТАЖРИБА

чет тилини ўқитишдаги муаммоларни ҳал этишда қўл келмоқда

Кўчада шаррос ёмғир ёға бошлаганда пойтахтимиздаги 249-умумтаълим мактабининг 1-"А" синфида инглиз тили дарси бошланган эди. Йил фасллари ҳақидаги мавзунинг ўтаётган ўқитувчига бу айтини мудоа бўлди. У дарсини тушунтираркан, кузнинг салқин ва ёмғирли кунлари ҳақида сўзлади. Сўнгра ўғил-қизларга юзланиб, бир нечта савол билан мувожаат этди:

— Болажонлар, бир йилда нечта фасл бор?

— Тўртта...

— Баракалла! Уларнинг қандай номланишини ҳам биласиз-а?..

Ўқувчилар бирма-бир қўл кўтариб, жавоб беришга ошди. Муаллима йил фасллари акс этган расмликўргазмани кураётган доскага илди. Ҳар бирининг инглизчасини айтиб, таъриф бера бошлади:



— Баҳор — spring, ёз — summer, кўз — autumn, қиш — winter дейилади. Қани, энди бу сўзларни ҳаммамиз бирга қайтариб кўрайлик-чи...

Болажонлар устозга жўр бўлиб, сўзларни такрорлашди. Шу тарзда янги мавзу ҳақида илк тушунчага эга бўлишди.

— Энди биргаликда қўшиқ куйлаб, рақсга тушамиз, — дея муаллима видеопроекторни ёкди. Экранда "Seasons" — "Йил фасллари" сўзлари намён бўлди. Сўнгра табиатнинг гўзал манзаралари акс

этган лавҳаларга оид куй таралди. Ўғил-қизлар қўшиқ айтиб, ҳаракатли ўйинлар билан рақсга тушишди...

— Ўтган ўқув йилида 1-синфларга инглиз тили дарслари ўйин тарзида ўтилган бўлса-да, ўқувчиларнинг айрим мавзуларни ўзлаштиришга қийналгани сезилди, — дейди мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Дилфуза Сатторова. — Мисол учун, кишилик ва эгалик олмошлари, таъна аъзолари, йил фасллари мавзуларини ўзлаштиришда ўқувчилар бироз оқсади. Қийин мавзуларни тез ва содда тарзда ўргатишда мультимедиа ва тарқатма материалларни қўладим. Бу ўқув йилида мазкур мавзуларни янада осон тушунтириш учун кўпроқ тарқатма материаллардан кенг фойдаланаяпман. Натижада ўқувчилар ўзлаштириш кўрсаткичи сезиларли даражада ошди. 2-синф ўқувчиларига сўзларни ўқиш ва ёзишни ўргатишда ҳам мультимедиа маҳсулотларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

Масалан, йил фасллари тушунтиришдан аввал мониторда куйидаги расм кўрсатилади:



Расмга изоҳ бериб, об-ҳавонинг: Sunny — қуёшли; Cloudy — булутли; Rainy — ёмғирли; Snowy — қорли бўлиши доскага ёзилади. Сўнгра ушбу тасвирнинг бўялган варианты видеопроекторда намойиш этилади. Ўқувчиларга тарқатма материаллар берилиб, қуёшни сариқ, қор парчаси ва булутни мовий, соябонни эса ихтиёрий рангда бўяш вазифаси топширилади.


Расмларни бўяш жараёнида предметларнинг номи бола хотирасида мустаҳкамланади. Шу билан бирга, рангларнинг инглизча номини ҳам секин-аста ўрганиб боради. Масалан, оқ — white, қора — black, қизил — red, сариқ — yellow, пушти — pink, кўк — blue, яшил — green, яъни ранглар таржимаси билан айтилиб, шу рангдаги карточалар кўрсатилади.

Ўқувчилар кишилик олмоши мавзусини осон ўзлаштириши учун куйидаги расм тарқатилади:



Сўнгра ўғил болаларга нисбатан "He", қизларга эса "She" деб айтиш кераклиги тушунтирилади. Қизларнинг кийими қизил, ўғил болаларники кўк ранга бўялиб, тағига "He" ва "She" деб ёзилади. Ўқитувчи қизлар ёнига борса барча баравар "She", ўғил болалар ёнига борганда эса "He" дейиши керак бўлади. Шу тариқа кишилик олмоши мавзуси мустаҳкамланади. Бу ўйинни эгалик олмоши мавзусини ўтганда ҳам қўллаш мумкин. Мисол учун, қизлар ёнига бориб, "Who is she? — У (қиз бола) ким?" деб сўралса, ўғил болаларга нисбатан "What's his name? — У(ўғил бола)нинг исми нима?" деб савол берилади. Ўқувчилар навбатма-навбат қўл кўтариб, "His name is ..." дея жавоб қайтаришади.

Ёки бўлмаса сабзавотлар — "Vegetables" мавзуси ўтилатганда куйидаги тасвир мониторда кўрсатилади:



Ўқувчилар картошка — potato, сабзи — carrot, пиёз — onion, помидор — tomato, қарам — cabbage ролига киради ва ўз номини айтиб, бири-бири билан танишади. Мисол учун:

— I am tomato (Мен помидор-ман);

— I am carrot (Мен сабзиман);

— I am cabbage — (Мен қарам-ман).

Тажрибали муаллима ўқувчиларга тана аъзоларининг инглизчада айтилишини ўргатишнинг осон усулини топди. Болалардан бири доскага чиқади. У кўрсаткич бармоғи билан кўзи, қулоғи, бурни, оғзи, юзи, қўли, оёғини кўрсатганида қолганлар биргаликда инглизчасини айтишади. Сўнгра барча ўғил-қизлар "Тана аъзолари" ҳақидаги қўшиқни куйлайди. Қувноқ шеър ва қўшиқ, ҳаракатли ўйинлар билан ўтилган дарсда ўрганганлари шу тариқа ўқувчилар хотирасига муҳрланади.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

ЗЕРИКИШГА ВАҚТ ЙЎҚ

Булоқбоши туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси Исломобод маҳалласи ҳудудида жойлашган бўлса-да, туманининг олис Ширмонбулоқ, Найман каби қишлоқларидан ҳам болалар қатнайдди. Боиси, муассасада кичкинтойлар учун барча шароитлар яратилган.

Айниқса, инглиз тили, каратэ, бадий гимнастика, рақс тўғарақлари машғулотларини тажрибали педагоглар қизиқарли ташкил этишади. Мисол учун, инглиз тили тўғарақлари тарбияланувчилар қувноқ шеър ва қўшиқларни шунчаки айтмасдан, маъносини ҳам изоҳлаб беришади. Тасвирий фаолият, мусиқа ва спорт тўғарақлари эса мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан биргаликда ўтказилади.

— Худуддаги 3- ҳамда 4-умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди мудира Зиёдахон Нурматова. — Тарбиячилар Нортонхон Сангинова, Сайёра Насриддинова, услубчи Дилфуза Мўминова бошланғич синф ўқитувчилари билан биргаликда тузилган режага кўра дарс ўтишади. Болажонлар ҳафтанинг белгилан-

Мақтабгача та'лим

ган кунларида мактабдаги машғулотларга жалб этилади. 43-ИДУМИ ўқувчилари ҳафтада бир кун муассасамизда бўлиб, инглиз тили машғулотларида иштирок этишади. "Ота-оналар куни" ташкил этилган бўлиб, кунда ота-оналар боғча ҳаёти билан танишиб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиради.

"Нихол", "Мойчечак", "Гунча", "Нилуфар", "Настарин" гуруҳи кичкинтойлари маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда ҳам фаол иштирок этишади. Нафақат маҳалла, балки тумандаги байрам тантаналари ҳам муассасанинг "Нихол гулдастаси" ансамбли аъзолари иштирокисиз ўтмайди. Ҳавас қилса арзигудек боғчада зерикишга асло вақт бўлмайди.

Умид ЭГАМБЕРДИЕВА



ТАЪЛИМ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 34-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчиси, "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибаси Дилноза Ёқубованинг республика таълим маркази томонидан оммалаштирилган "Бошланғич синфларда инглиз тилидан дарс ўтаётган ўқитувчиларга методик тавсиялар" қўлланмаси асосида ташкил этилаётган тренинг машғулоти ҳамкасбларининг

тажрибасини ошириш ва ўқитиш сифатини яхшилашда ижобий самара бермоқда.

Суратда: бошланғич синф ўқитувчиси, "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибаси Дилноза Ёқубова ўқувчилар билан машғулот пайтида.

ЎЗА ФОТОМУҲБИРИ
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

Аския инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКО-нинг Репрезентатив рўйхатига киритилди. Бу халқимизнинг бой маданияти ва санъатининг яна бир эътирофи бўлди.

Мамлакатимизда маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинган. Конституциямизда фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбур эканлиги мустахкамлаб қўйилган. Шу асосда юртимиздаги тарихий обидлар, номоддий маданий меросни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида миллий қад-

ди ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу йил 27 ноябрь кuni ЮНЕСКО Бош қароргоҳида ўтказилган Номоддий маданий мерос қўмитасининг 9-сессиясида аския инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Аския фақат халқимизгагина хослиги билан ажралиб туради. Бу санъат ижроичидан юксак маданият, ҳозиржа-

АСКИЯ ЮНЕСКО РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

рийларимизни тиклаш, илм-фан ва санъатни ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

ЮНЕСКО шафелигида юртимизда кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилиши, муҳим саналар нишонланishi ҳам бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, халқимизнинг бой маънавий меросига эҳтиром ифодасидир.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Шашмақом, Катта ашула, Бойсун маданий мероси ва Навруз ҳам инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурига мувофиқ бу борада-

воблик ва зукколики талаб этади, одамларга хуш кайфият улашади.

Аския тўй-ийгинларда, чойхоналарда, сайилларда икки томоннинг сўз-моллик беллашуви сифатида шаклланиган ва санъат даражасига кўтарилган. Тарихий манбаларда келтирилишича, аския XV-XVI асрларда пайдо бўлган. Аскиячиликнинг ўтиздан ортик шакллари аниқланган. Уларнинг ҳар бири умумий талабларга бўйсунishi билан бир қаторда ўзининг мустақил хусусиятларига ҳам эга.

Аскиянинг инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилиши ушбу аънавий сўз санъатини янада ривожлантириш ва келажақ авлодларга етказишда муҳим омил бўлади. Бу шундай нодир мерос ворислари бўлган барча юртдошларимизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Ўқувчиларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиши лозим

Республика бола-лар кутубхонасида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг халқ таълими йўналишида республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Махалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ёшлар таълим-тарбиясида миллий маънавиятимизнинг ўрни, улар қандай Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик қобилиятларини қарор топтириш, урф-одат, аънаво ва қадриятларнинг аҳамияти хусусида фикр билдирдилар.

— Мактабда маънавият тарғиботчиси бўлган педагог ўқувчиларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиши керак, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи Жамолддин Камолов. — Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ҳам маънавиятчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг фикр алмашиб, таърибаларини ўртоқлашиши ва ўзлаштириш билиминини амалиётда кенг қўллаши учун шароит яратишдан иборат. Тизимда мазкур танловнинг юқори савияда ташкил этилиши ва оммавийлигини таъминлаш борасида муайян



Ko'rik-tanlov

ишларнинг амалга оширилиши натижасида йилдан йилга иштирокчилар сони ортиб бормоқда. 2008 йилда ушбу кўрик-танловда 200 нафар педагог қатнашган бўлса, бу йил улар сони 3000 нафардан ошиб кетди.

Кўрик-танловда биринчи ўрин Жондор туманидаги 2-ИДУМ ўқитувчиси Мухаррам Камоловага насиб этди. Иккинчи ўринга Пахтакор туманидаги 19-ИДУМ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Умида Равшанова лойиқ кўрилди. Ғолиблар «Халқ таълими аълочилиси» кўрак нишони, таплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хасан МЎМИНОВ,
«Ma'rifat» мухбири
В.ГРАНКИН олган сурат.

«СЕҲРЛИ МЎЙҚАЛАМ» ТАДБИРИ

Ўқувчиларнинг эстетик дидини тарбиялашга хизмат қилаётти

Юксак инсоний ғояларни ўзида акс эттирган санъат асарлари кишиларни гўзалликни ҳис этиши, уларга интилиб яшашига ундайди. Асасинча, ғоявий жиҳатдан савияси паст асарлар ўқувчилар онини сазлаштиради, уларни чинакам гўзалликдан чалғитади, гўзалликни сезишга бўлган эҳтиёжларини, интилишларини сусайтиради, дидини пасайтиради. Шу маънода республикамиз умумий ўрта таълим муассасаларида болаларнинг эстетик тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш келналайпти. Бошланғич синфдаоқ ўқувчиларга тасвирий санъат асарларидан завқлана олиш, рангларнинг номларини ва уларнинг фарқларини ажраттиш, тасвирий фаолият жараёнида турли материаллардан фойдалана билиш, муסיқа тинглаш ва ундан завқлана олиш, миллий ҷолу асбоблари билан танишиш, турли оҳангдаги куй ва муסיқани фарқлаш, муסיқа асосида қўшиқ айтиш, рақсга тушиш сабоқлари берилаёттир.

Болаларда эстетик қарашни ҳам шакллантириш бора-бора уларга «тоза», «гўзал», «хуш», «хушбўй», «хушбичим» каби тушунчалар маъноси англайтиляпти. Сабаби, гўзаллик ўқувчиларга кўпроқ ҳиссий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи, тарбиячилар тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларни бадийий жиҳатдан юксак асарлар ва табиат манзаралари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратишлари зарур бўлади. Буни ўқитувчи нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда ҳам амалга ошириши мумкин.

Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилдир. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот ўзига хос тарзда идрок этилади,

қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади. Шунинг учун синфдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг иждокорлиги ва ташаббускорлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қуйида мана шундай машғулотлардан бирини ўтказиш намунасини келтирамыз:

«Сеҳрли мўйқалам» тадбири.

Мақсад: ўқувчиларни тасвирий ва декоратив амалий санъатнинг энг яхши намуналари, рассомлар ҳаёти, ижоди билан таништириш, санъат асарларини идрок этиш қобилиятини ўстириш, санъатга иштиёқ ва муҳаббат уйғотиш.

Жихозлаш: тасвирий санъатда ишлатиладиган ранглар, мўйқалам, қоғоз, қаламлар.

Ўтказиш жойи: мактаб ҳовлиси ёки зал.

Ўтказилиши:

Қатнашувчилар: 4-«А», 4-

«Б» синф ўқувчилари, ҳакамлар, ўқитувчилар.

Ўқитувчи: — Бугун биз икки синф ўртасида «Сеҳрли мўйқалам» тадбир-танловини ўтказамиз. Бунда сиз нимага қизиқишингиз, бўш вақтингизни қандай ўтказаятганингиз, қандай расмлар чизишингиз, рангларни танлай олишингиз борасида бахслашиб кўрасиз. Учта шарт бўйича беллашасиз:

1-шарт: Табиатни тасвирлаш.

2-шарт: Эскизи чизилган расмни бўяш.

3-шарт: Эркин мавзу.

Ундан олдин гуруҳлар билан танишамиз.

Sinab ko'ring

1-гуруҳ: — Биз гуруҳимизни «Гўзаллик» деб номладик.

2-гуруҳ: — Биз эса гуруҳимизни «Ўзодалик» деб номладик.

Ўқитувчи: — Демак, иккала гуруҳимиз ҳам беллашувга тайёр. Биринчи шартни ҳаммамиз эшитдик. Керакли қоғоз, қалам, мўйқалам сизни қутиб турибди. Ҳар бир гуруҳдан икки нафардан ўқувчи чиқиб, қоғозларга расмларни тасвирлай бошлайди.

Ўқитувчи: — Ҳамма ўз ишини бошлаб олди. Сизларни ҳакамлар ҳайъати билан таништираман. Ўқувчилар шартни бажариб тугатгунча табиат ҳақидаги шеърлардан эшитамиз.

1-ўқувчи:

Куз дер:

Мевам, болим бор,

Бари сенга, ол!

2-ўқувчи:

Ёз дер:

Сувим бегубор,

Суз балиқмисол!

3-ўқувчи:

Қиш дер:

Кумуш қорим бор,

Қорбобо ясанг!

4-ўқувчи:

Баҳор дер:

Гулим кўркам,

Гулдаста ясанг!

Демак, она табиат

Бизни дер ҳар вақт.

1-ўқувчи:

Боғимизга бир қаранг,

Гул очилди ранг-баранг.

Тонгда шудринг тушибди,

Гулга чирой қўшибди.

2-ўқувчи:

Боғдан нари полиз бор,

Унда қовун, тарвуз бор.

Қовунлар катта-катта,

Ёзда келинг, албатта.

Ўқитувчи: — Табиат

ҳақидаги шеърлардан эшитдик.

Ўқувчиларимиз чизган расмлар ҳакамлар томонидан баҳоланади. Ҳар бир ўқувчинининг олган баллари эълон қилинади.

Ўқитувчи: — Биринчи шарт ҳакамлар томонидан баҳоланди. Табиатдаги гўзалликни билиб олдик. Табиат ҳодисаларини қузатган киши табиатни чиройли тасвирлай олади. Энди иккинчи шартимиз — эскизи чизилган расмни бўяш. Бунда қора қалам билан чизилган расмлар берилган. Ҳамма ўз дидидан келиб чиққан ҳолда расмларга ранг беради. Қани, марҳамат, иккинчи шартни бажаришга киришамиз.

(Ҳар иккала гуруҳдан

ўқувчилар чиқиб шартни бажардилар).

Ўқитувчи: — Демак, расмларни ўзингиз бўядингиз. Бу ҳам эстетик тарбиянинг бир бўлаги ҳисобланади. Сиздаги дид, фаросат, сезгирлики синаб кўрдик. Ҳакамлар бажарилган иккинчи шартни баҳолайдилар.

Ўқитувчи: — Учинчи шартимиз эркин мавзу. Бунда сиз ўз хоҳишингиздан келиб чиққан ҳолда расм чизасиз. Рангларни ўзингиз танлаб оласиз.

(Ўқувчилар учинчи шартни бажариб, суратда тасвирланганларини гапириб берадилар. Бу шартда гуруҳлардаги барча ўқувчилар қатнашиши мумкин. Бажарилган ишлар ҳакамлар томонидан баҳоланади ва умумий баллар эълон қилинади).

Ўқитувчи: — Бугун «Сеҳрли мўйқалам» тадбири-мизда ким ғолиб чиққани муҳим эмас. Негаки, бугун барчангиз иждок қилдингиз. Ўзингиз бажарган ишингиздан завқ олишни ўргандингиз. Иккала гуруҳ аъзолари бир-бирларининг чизган расмларини томоша қилиши мумкин. Бугунги тадбиримиз ўз якунига етди.

Таъкидлаш керакки, бу каби тадбирлар ўқувчиларни дид-фаросатли бўлиш, чизган расмларидан завқ ола билиш, бир-бирларини хурмат қилишга ўргатади.

Лобар БЕРДИЕВА,
Қашқадарё ВПКҚТМОИ
Ўқитувчиси

2014-yil 3-dekabr, № 97 (8746)

Хар куни эрта тонгдан мактабга ошқадиган Сарвinozнинг бугун негадир шашти паст, ўқишга боришни истамаётганини онасидан яшириб ўтирмади.

Акбар бўлса туни билан арзирли бахона кидириб чиқди: "Нима қилсам, мени мактабдан олиб қолишадими?"

Бу йил тўққизинчи синфга ўтган Мuroдjon эса дабдурстдан ота-онасидан уни бошқа мактабга ўтказишларини талаб қилди...

Нега?

...Иш юзасидан интернет кафега йўлни тушди. Бир бола монитор қаршида мук тушиб, ўйинга берилган эди.

— Нега эрталабдан дарсда эмас, бу ердасан? — сўрадим ундан.

— Нима эди?! — совуққина жавоб қилди у.

— Шунчаки, қизиқдим... Нечани синфда ўқийсан?

— Еттинчи.

— Дарс қолдирсанг, индашмайдимми?

— Индашди.

— Унда нега...

— Э, дарсларнинг қизиги йўқ, ҳаммаси бир хил — зерикарли.

Айрим ўқувчиларнинг мактабга боришдан бош тортишига ота-оналар ва ўқитувчиларнинг муносабати қандай?

— Қизим табиатан тортинчоқ, аммо тиришчоқ. Фанларни доим яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Айниқса, математикани, — дейди оналардан бири Сафия Сироховна.

— Бироқ фан ўқитувчиси ўзгаргани боис негадир унинг қизиқишлари ҳам сўниб, баҳолари пасая бошлади. Бора-бора математика дарси бўладиган кунни мактабдан қолдириш учун турли баҳоналар ўйлаб топадиган бўлди. Она сифатида, албатта, қизимдаги ўзгаришлар мени ташвишга солди. Сабабини ойдинлаштиришга ҳаракат қилдим. Билсам, янги ўқитувчиси ниҳоятда қаттиққўл, талабчан экан. Ўқувчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатига кескин тарзда муносабат билдираркан. Бошқалар олдида изза бўлиш, хатоларининг бўрттириб кўрсатилиши ўқувчини чўчитиб қўяди. Бунинг устига, қизим ўта тортинчоқ, Шунинг учун саволларга жавоб беришдан чўчиб, билганларини айтишга ҳам журъат тополмас экан.

Талаб ОРИПОВ,
Пешку туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси:

— Ўқувчи мактабда ўзини бегона ҳис қилса, синфда ўз ўрни бўлмаса, унга ишонч билдиришмаса уни ўқишга жалб қиладиган, қизиқтирадиган, қалбида меҳр уйғотадиган ришталар ҳам бўлмайди. Оқибатда бола мактабдан беизиб қолади. Ўттиз беш йиллик тажрибамга таяниб айта оламани, ўқувчининг мактабдан кўнгли совошига аксарият ҳолларда ўқитувчи сабабчи бўлади. Синфни бир оила деб оласан, муаллим шу оиланинг раҳбари. У ҳар бир ўқувчини ўз фарзандидек қабул қилиши, меҳр кўрсатиши, ҳар қандай ҳолатда тўғри тушуна билиши, ишонч билдириши ва кўмаклашиши лозим. Бироқ баъзида биз бу қоидаларни четлаб ўтиб, мақсадимизга тезроқ эришмоқчи бўламиз, қаттиққўллик билан ўқувчиларни ўз йўригимизга юргизишга уринамиз, уларга катта талаблар қўямиз. Ваҳоланки, уни одоқли, билимли ўқувчига айлан-

тириш учун юқоридан туриб талаб қўйиш эмас, қалбига кириб бориш керак. Буни ундамай олимаган пайтимизда ўқувчи биздан қочади. Айрим ҳолларда бунга ота-она ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Бир ўқувчим зехни ўткир, қобилиятли эди. Аммо негадир кунт билан ўқимас, дарсларга кечикиб келар, баъзан икки-уч кунлаб қолиб кетарди. Сабабини суриштирсам, ўзидан бирор жўяли гап чиқмади. Ота-онаси оддий ишчи, камтарона ҳаёт кечирмади. "Ўғлингиз кўп дарс қолдираяпти, бу ўзлаштиришга салбий таъсир қилади", деганимда отаси: "Бизга яхши ўқиши шарт эмас, мактабни тугатиб, ҳужжат олса бўлгани. Унинг уй юмушларига қарашини муҳимроқ", дея жавоб берди. Яна бир тоифа ота-оналар борки, фарзандларининг тadbиркор бўлишини исташади. Энг ёмони, ёшли-

борилсагина, муваффақиятга эришиш мумкин. Маънавият соатларида бу жихатга катта эътибор қаратамиз, "Ўқитувчининг муомала маданияти", "Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат" мавзуларига кенг тўхталамиз. Яқинда бир ўқувчимиз тўсатдан мактабга келмай қўйди. Синф раҳбари ҳам ҳайрон. На синфдошлари ва на фан ўқитувчилари арзирли сабаб айтишолмади. Эҳтимол, бу оиласи билан боғлиқ муаммодир? Йўқ, ота-онаси билан сўхбатлашганимизда улар ҳам фарзандининг нега инжиқлик қилаётгани сабабини билолмаётганини таъкидлашди. Шундан сўнг биз мактаб психологи билан маслаҳатлашиб, психологик тест ўтказдик. Хулосалар шуни кўрсатдики, ўқитувчилардан бири унга ноўрин гапириб қўйган экан. Демак, муаллим ўқувчи билан муомала қила-

ЎҚУВЧИ НЕГА МАКТАБГА БОРИШНИ ИСТАМАЙДИ?

гиданоқ уларнинг миёсига "Пул бўлса, ҳамма нарсага эришиш мумкин", деган нотўғри гоёни сингдиришади. Бу ўқувчининг мактабга, муаллимга илҳосини тамоман йўққа чиқаради. Улар устозига менсимай муомала қилишдан ҳам тап тортишмайди. Бундай тушунмовчиликларни мен илм эгаллаш фарзандлари учун нақадар муҳимлигини кўпроқ ота-оналарга тушунтириш, муаллим ва мактаб борасидаги қарашларини ўзгартириш йўли билан ҳал этишга ҳаракат қиламан.

Мухаррам КАМОЛОВА,
Жондор туманидаги 2-ИДУМ директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Ўрганиб чиқсак, дарс қолдирадиганларнинг аксарияти биз "бўш ўзлаштирувчи", "тарбияси оғир" болалар рўйхатидаги тиркаб қўйган ўқувчилардан иборат экан. Шунда ўйланиб қолдим: бу уларни шундай гуруҳлаштириб, тенгдошларидан алоҳида ажратиб кўрсатаётганимизнинг оқибати эмасмикан? Дарҳақиқат, "бўш ўзлаштирувчи", "тарбияси оғир" дейишнинг ўзи уларнинг мактаб ва ўқитувчилар томонидан тан олинмаганини, синфдошлари даврасидан четлатилганини, камситилганини билдиради.

Хасрат Навоий "Нафаснинг жони бор", дейди. Айтилган ҳар бир сўз ўз таъсир кучига эга. Ўқувчига паст баҳо бериш уни умидсизликка туширади, одамовчи қилиб қўяди, ўзига, келажагига ишончини сўндиради, бошқаларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотади. Ҳатто "Сенинг бўлганинг шу, сендан яхши одам чиқмайди", дейиш норасиданинг бутун келажакига путур етказиши ҳеч гап эмас. Бунинг айниқса, муаллимлар унутмаслиги лозим. Болага доим мулоийм муносабатда бўлиб, "Сен бунинг унда далай оласан, бундан ортинга ҳам қодирсан" қабилида унга ҳамиша ишонч билдириш керак. Чунки таълим-тарбия катта ишонч билан бирга олиб

ётганда ҳар бир айтаётган сўзига эътиборли бўлиши керак. Ахир, битта сўзнинг қирқта палласи бўлади, дейишарди.

Айниқса, ўзлаштиришда орқада қолган, ўйинқароқ ўқувчилар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш талаб этилади. Бундай ўқувчиларни синфдан ва мактабдан ташқари тadbирларга кўпроқ жалб этиш орқали билим даргоҳига ва ўқишга муносабатини ихобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилаямиз. Одатда, бундай тadbирларни ўқитувчилар фаол, аълочи ўқувчилар иштирокида ўтказишади. Ҳолбуки, тadbирлар тарбиявий, маънавий-ахлоқий машғулот сифатида жуда муҳим. Шу боис ҳар бир тadbирда ўқувчи тарбиясига таъсир этувчи, ундаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган, муҳим аҳамиятга эга мавзуларни камраб олишга, уларда барча ўқувчиларнинг иштирокчини таъминлашга эътибор қаратамиз.

Нурнисо ЗОЙИРОВА,
Когон туманидаги 3-мактаб психологи:

— Мактабга келишдан бош тортиш ёш хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида характерланади. Масалан, 1-синф ўқувчисида бу кўпроқ дастлабки кўникмаларнинг шаклланишидан ун беради. Айниқса, мактабга таълим муассасасига камраб олинган боланинг таълимга мослашуви қийин кечади. 45 дақиқа бир жойда ўтириб, ўқитувчини диққат билан тинглаш, бошқалар билан киришиб кетиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, айниқса, машғулотларни ўзлаштириш — буларнинг бири унга малол келади. "Мактабга бормайман, мактабни ёмон кўраман", дея хархаша қилувчи болаларнинг аксарияти шу тоифага мансуб. Бундай ўқувчилар билан ҳафтада икки марта коррекцион машғулотлар олиб бораман. Таълим олишида учрайдиган муаммоларни бартараф этиш ва

Мunozara uchun mavzu

дарсда фаоллигини ошириш мақсадида "Ким топқир, ким зукко?", "Аниқ ва равои гапирамиз", "Куч — бирликда", "Ким бўлмоқчиман?" деган мавзулардаги ижодий машғулотлардан фойдаланаман. Синф ўқитувчиси эса дарс жараёнини кўпроқ ўйин орқали олиб боришни, ҳар 15 дақиқада жисмоний машқлар ўтказишни тавсия қиламан. Мавзуларни улар севган ўйинчоқлар ёки мультфильм қаҳрамонлари воситасида тушунтириш, театрлаштирилган томошалар шаклида етказиш, айниқса, самарали.

5-синф ўқувчиларида ҳам янги муҳитга мослашишда муаллимлар юзага келади. Томолар янги фанлар, ўқитувчилар, талаблар ҳам бўлачқ. Айрим болалар бунга тезда кўника

қизиқар экан. Уни мактабдаги фўтбол жамоаси сардорига ёрдамчи қилиб тайинлади. Иккинчи ўсмирнинг эса расм чиқишга иштиёқи кучлилиги боис синф деворини газетасида расмлар бўйича масъул қилиб сайладик. Бу уларда ўзига ишонч кучайтириб, тенгқурлари орасида мавқега эга бўлиш имконини яратди. Энди уларни мактабга етаклайдиган сабаб, қизиқишларини қондирадиган машғулотлар бор. Кўп ўтмай ҳар икковининг ўзлаштиришида ихобий ўзгаришлар юз берганини пайқадик.

Ўсмирлар билан катталардек муносабатда бўлиш, ҳошиш-истаклари билан ҳисоблаш лозим. Хусусан, бошқалар олдида қойиш, танбёх бериш, уялтириш мумкин эмас. Бундай муносабат ўсмирга, айниқса, ўғил болаларга жуда қаттиқ таъсир кўрсатади. Оқибатда у дўстлари даврасидан ўзини четга олади, мактабдан беизиди...

Педагоглар фикрларини тинглаб эканмиз, ўқувчилик давримиздаги бир воқеа эсга тушди. Ўшанда 8-синфда ўқирдик. Математика ўқитувчимиз Собирни орқа партадаги ўқувчи билан гаплашиб ўтиргани сабабли ўрнидан турғизиб, роса қойди:

— Намунча мингирлашсан?! Ўғил бола деган бунақа гапчи бўлмайди. Сиёғингга қараса, биринийи... Аслида эса, кино пуч ёнғоқдан фарқинг йўқ. Бекорчи хотинларга ўхшаб дарсда гап сотасан. Хайф-э!

Табиатан мулоийм, оғир-босиқ бўлган Собирнинг авзойи бирдан ўзгарди.

— Менга бундай дейишга ҳақингиз йўқ! — деди ўқитувчига тик қараб қатъий бир оҳангда.

— Нега энди ҳаққим бўлмас экан, — ўдағайлади муаллим.

— Дарс пайтида ўқитувчига ҳурматсизлик қилишга сенинг ҳаққинг бор-у, қилмишинг учун қойишга меннинг ҳаққим йўқ эканми?! Унда юр, муаммони директорнинг кабинетиде ҳал қиламиз.

— Бормайман.

— Борсан, бормай кўр-чи...

Шу пайт Собир бир сакраб дераза тоқчасига чиқди-ю, ўзини иккинчи қаваддан ташламоқчи бўлди. Ҳолат шунчалик драматик тус олган эдики, бир сўз дейишга ҳаммамиз ожиз қолгандик. Муаллимимизнинг қути учди. Ялиниб-ёлвориб, Собирни шовқандан қайтарди. Аммо шу воқеадан кейин синфдошимиз анчагача мактабга келмади.

Бу ўринда ўқитувчини айблаб, Собирни ёқламоқчи эмасмиз. Фақат ўқитувчи зиммасидаги масъулиятинг не чоғлик оғирлигини, ҳар қандай қалтириш вазиётида ҳам юнчи ўз елкасига олишга мажбур эканини, ҳар бир ўқувчининг қалб калитини топа олмоғи лозимлигини таъкидламоқчимиз, ҳолос. Эҳтимол, устозлари уларнинг қалбига йўл топа олганида мақоламиз аввалида тилга олинган Сарвinoz, Акбар ва Мuroдjon ҳам мактабга талпинган, 7-синф ўқувчиси компютер клубида эмас, синф партасида ўтирган бўлармиди... Сиз нима дейсиз, азиз ўқитувчи?

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kun

ЖУҚУҚ ВА БУРЧ — ҚЎШҚАНОТ

улр ўғил-қизларимизнинг онгу шуурига сингиб, эртага мустақил ҳаёт учун дастуриламал бўлиши шарт

Хар бир фуқаро ўз бурчларини ҳалол ва виждонан бажарса, тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб-асрашга маълум маънода ҳисса кўшса, юртимиз салоҳияти янада юксалади. Айниқса, бунда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўтилайётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўқув курси ва ҳуқуқшунослик фанларининг алоҳида ўрни бор.

Бу борада ўзМУ қошидаги Саъди Сирожидинов номидаги академик лицейда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Лицейнинг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Ерқиний Эрнатованинг «Еш ҳуқуқшунослар» тўғрагида «Фуқароларнинг конституциявий бурчи ва мажбуриятлари: Ватани ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ бурчлари» мавзусидаги машгулотини кўзатар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Муаллима машгулот аввалида ҳозир кўнгил мулкимизга айланган «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» ҳамда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гузал Ўзбекистоним!» ширини атрофлича шарҳлади. Мустақиллик, энг аввало, бизга «Миллат сифатида, инсон сифатида кўп яхшиликларга, яратилган қадирсан», деган катта ишончини бериди...

Сўнгра муаллима «Хуқуқ ва бурч деганда нимани тушунасиз?», «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий ҳуқуқларини айтиб беринг», «Фуқароларнинг конституциявий бурчларини санаб беринг», «Нима учун тарихий ёдгорликларни асраш зарур?», «Ватани ҳимоя қилиш учун қандай фазилатларга эга бўлиш керак?» сингари саволлар билан ўқувчиларни фикрлашга ундади.

Аудиторияда жонланиш. Гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг чехраларида ҳаясон. Баландаги билим байроқларидай кўтарилган кўлларга қараб ҳавасинг келади. Ўқувчиларнинг жавобларида муҳажалил йўқ; ҳар бир жумласи аниқ, асосли. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XI боби 47–52-моддаларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларига оид қоидалар берилган. Фуқароларнинг бурчи деганда қонун ҳужжатларида белгиланган фу-

қаролар бажариши шарт бўлган талаблар тушунилади. Асосий қонунимизнинг 47-моддасида: «Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар» дейилган... Иккинчи ўқувчи бахсини Самарқанд таасуроти билан давом эттирди: «Езги таътил кунлари тенгқурларим билан Самарқандга саёҳат қилдик. Асрий мадрасалар, осори атиқалар, нилий ғубабалар кўр тўкиб турибди. Шердор мадрасаси ёхуд Улуғбек расадхонасини зиёрат қилган кишининг бир хайратига ўн хайрат қўшилади. Йул бошловчигидлар хорижлик сайёҳларга аждодларимиз томонидан қолдирилган бебаҳо мерос тўғрисида фахр билан гапиришяпти. Бу манзарадан биз ҳам ифтихор ҳиссини тўйдик ва қадимий шаҳардан бир олам таассуротлар билан қайтидик. Энг муҳими, тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб-асраш, эҳтиётлаб келажақ авлодга етказиш, шунингдек, атраф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш — олий бурчимиз эканини англаб етдик».

Муаллима мавзу доирасидаги жавобларни умумлаштирган ҳолда уларни мисоллар билан янада бойитди. Ватанимиз мустақилликка эришган, мамлакатимиз ҳудудидаги дунё цивилизациясида катта ўрин тутган, ўнлаб асрлар давомида шаклланган тарихий шаҳарлар, ўн мингдан ортқ меъморий ва тарихий обидаларни (уларнинг 6113 таси давлат муҳофазасига олинган, шу жумладан, меъморчилик обидалари 2164, археологик обидалар 3186, монументал санъат ёдгорликлари 763та) авайлаб сақлаш, ҳисобга олиш, ўрганиш, келажақ авлодга етказиш, дунё маданий майдонларида тарғиб қилишдек эзгу мақсадлар йўлида чиннакам тарихий ишлар амалга оширилди. Шунинг баробарида улуг алломаларимиз таваллуд айёмлари, қадимий шаҳарларимиз уюблеий саналарига доир кўплаб қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг тўла-тўқис адо этилиши миллатимизнинг ўзлигини англашида, ёшларимизнинг ўтмиши шарафли халқнинг, ўлу зотларининг фарзанди эканини идрок этишида муҳим рол

ўйнади. Шундай экан, бу объектларни ҳимоя қилиш, улардан баҳраманд бўлиш ва уларни келажақ авлодларга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас инсоний ва фуқаролик бурчимиз ҳисобланади. Конституциянинг 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир», дея белгилаб қўйилган. Ўқувчиларнинг фикрлашлари, ифода тарзларида китобийлик, сохалиқнинг йўқлиги, ҳар бир айтаётган фикрининг илдизи юрагига тушаётганини ҳис этиб, улар эгаллик қиладиган эртанги кунларни ҳаёлан таъаввур этдик. Айниқса, машгулотнинг «Ватан ҳимояси — олий бурч» қисмида ўқувчиларнинг тахлийий фикр юртиши, ҳозирги замон билан тарихий даврни қиёслаш, аждодларимизнинг озолиқ учун мардонавор кураш олиб боришига оид мисоллар келтириши, ишларимизда ватанпарварлик тўғриси ўзлари билан баробар улғайиб бораётганини кўрсатади.

Бахс-мунозаралар давомида ўқилган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Фидойилар» шеъри машгулот мазмунига жуда мос тушди:

...Юрт ишқида ёнмас юрак — юрак эмас, Юрт қадрини билмаганлар керак эмас. Эрка сажда қилмаганлар керак эмас — Фидойилар керак бизга, фидойилар...

Сўнгра мавзу доирасида тилга олинган кадр-қиммат, таянч, садоқат, гуруҳ, озолиқ, ватан ва йймон-эътиқод, ифтихор, бурч ва масъулият, улуг зот, аҳда содиқлик, орият, миллий бойлик, ибрат ва шахсий намуна, бахт, олий фарз, юрт ишқи, эрк, фидойи тушуначлари кенг шарҳланди, мисоллар келтирилди ва бу машгулот самарадорлигини таъминлади.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ, «Ma'rifat» муҳбири

«КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ»

Урганч туманидаги 47-айрим фанлар чулар ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактабида «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда туман(шаҳар) босқичида сараланган ўқувчилар иншо ва тасвирий санъат йўналиши бўйича ўз билим ва қобилиятини намойиш этди.

Танлов қатнашчилари томонидан тайёрланган сахна кўриниши, Бош Қомусимиз мазмун-моҳиятига оид чизилган расмлар, Конституциядан намуна ва кўргазмалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Урганч шаҳар, Хонқа, Янгибозор, Шовот туманлари ўқувчиларининг иштироки ҳакамлар хайъати томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Кўрик-танлов орқали Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар, бурчлар ҳақида кенг тушунарча эга бўлдик, — дейди Шовот туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мафтуна Эгамбердиева. — Шунингдек, Бош Қомусимизнинг яратилиш тарихи, моҳияти ва ҳаётимизда тугган ўрни борасидаги маълумотлар ҳуқуқий саводхонлигимизни бойитишда муҳим аҳамият касб этди.

Кўрик-танлов якунида голий ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва сздалик совгалари топширилди, республика босқичига йўлланма берилди.

Ойгул ЖУМАНИЕЗОВА, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси методисти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мустақиллик йилларида жамиятимизда, ҳар қайси оилада ва ватандошларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга оид қоидалаб ҳаётимиздаги амалий ифодасидир. Конституциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шaroитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Конституциянинг яна бир жиҳати, жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўйиши ва ана шу эзгу мақсадга эришининг йўлларини мужассам этишида ифодаланади. Асосий қомусимиз инсон — оила — жамият — давлат манфаатларини уйғунлаштиргани сабабли ҳаётимизнинг барча соҳаларига олиб борилаётган ислохотларнинг самарали, муваффақиятли бўлишини ҳуқуқий жиҳатдан қаролатамоқда.

Ҳажонда юз бераётган воқеалар шуни тасдиқламоқдаки, агар инсон ва давлат манфаатлари ўзаро уйғунлиги бузилса, тараққиётда олға силжиш бўлмайди. Мамлакатимизда эса давлатимиз раҳбарининг доно сиёсати туфайли Конституциямизда инсон манфаатлари — олий қадрият, деган ғоя илгари сурилди ва шу асосда «Фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

Конституция — ҳар қандай давлатнинг ўзига хос паспорти, десак муболага бўлмайди. Асосий қонун мамлакат ривожланишининг қандай йўлини ташлагани, инсон — жамият — давлат муносабатлари, давлат тузилиши ва бошқарувиغا оид барча масалаларни муфассал тартибга солади.

Конституция — давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар белгилаб олинган ўзига хос аҳднома, десак ҳам адашмаймиз. Конституциямизнинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикаси Фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шу маънода Бош Қомусимизда давлат ўзига бир қатор ўта муҳим мажбуриятларни олганки, унга кўра: давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Фуқаролар эса Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариш, Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадриятларини хурмат қилишга,

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга, атраф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга, ҳарбий ёки муқоабил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Хар бир мамлакатда у ёки бу қонунлар жорий бўлиши ва муайян вақтдан сўнг номи ўзгариши ёхуд бекор этилиши мумкин. Бироқ Конституция инсон — жамият — давлат манфаатларини ва иродасини ўзида ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқаруви шакли асосларини белгилловчи, ҳокимият идоралари фаолиятини ташкил этилиши тарти-

қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалар мослигига доир ишларни кўради. Бундан ташқари, 2014 йил 16 апрелда Конституцияга киритилган парламент ва жамоатчилик назорати институтлари оид нормалар ҳам асосий қонунимизнинг устунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Конституциямиз 128 моддадан иборат бўлиб, 30 дан ортқ моддалари бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципал қоидаларини ўзида мужассамлаштириб, барча фуқароларнинг қонун

би ва принципларини мустаҳкамловчи олий юридик кучга эга ҳужжат сифатида ўзининг ягоналиги ва барқарорлиги бузилишига қарши қўйилган. Мазкур нормаларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадида Фуқаролик, Жиноят процессуал кодекслари, «Судлар тўғрисида», «Фуқароларнинг муружоатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, шунингдек, Прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари таркибида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича махсус тузилмалар фаолият кўрсатмоқда.

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги ўз ифодасини толган. 13-модданинг ўзидея ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларидан бири мустаҳкамланган, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қайд этилган. Хар ким эркинлик ва шахсий эътиқозлик, фикрлаш, сўз ва таътиқод эркинлиги, давлат органларига, муассасаларига муружоат этиш, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш каби ҳуқуқларга эга. Алоҳида қайд этиш жоизки, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чекалаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бундан ташқари, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида муҳофазига олинган бўлиб,

Жиноят кодексининг махсус қисмида алоҳида VII боб «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар»га бағишланган.

Конституциямизда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13-модда), давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қаролатилгани (44-модда) мустаҳкамлаб

яъни Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принцип ижроси юзасидан мамлакатимизда ҳокимият тармоқлари фаолиятини бевосита тартибга соладиган етти-та қонун қабул қилинди. Ҳозирги кунда миллий парламенти-миз Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат — Вазирилар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик судлари мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий негиз асосида фаолият кўрсатмоқда.

Асосий қонунимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асослари бўлган бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши, шунингдек, 66-моддада вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамҳўрлик қилишга мажбурлиги таъкидланган. Мазкур конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Оила кодекси, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг қаролатилган тўғрисида» каби бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Айтиш жоизки, мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси, биринчидан, демократик Конституция бўлиб, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳолда халқаро демократик адола ва талабларга жавоб беради, иккинчидан, энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, Бош Қомусимизнинг дунё миқёсидаги ҳар қандай илгор давлат конституциясида кам жойи йўқ, учинчидан, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни, шу азиз ва муқаддас заманимизда истиқомат қилаётгани инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларини, хусусиятларини, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан хурмат, илмуфанга интилиш, ор-номус, иф-фат ва ҳаё каби эзгу фазилат-стуциявий нормалар ташкил этади. Ушбу қоидаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиеий партиялар тўғрисида», «Но-давлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг қаролатилган тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Ҳулоса қилиб айтганда, Конституция — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруҳ-ифтихор рамзи; миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ўзбекистонликлар учун мустаҳкам ҳимоя; қонун олдида ҳаммининг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этиши, бурч таъминлашлари бажаришида бамисоли дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

мат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъналари хурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шaroит яратилишини қаролатган таъкидланган. Шу маънода Бош қомусимиз, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши сифатларни юртимизга хос қарошлик ва дўстлик аъналарини ўзида мужассам этиб, бой ва теран тарихига эга халқларнинг ўзаро тотувлигига хизмат қилмоқда. Шунингдек, 45-моддада вояга етма-ҳуқуқий негиз асосида фаолият кўрсатмоқда.

Асосий қонунимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асослари бўлган бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши, шунингдек, 66-моддада вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамҳўрлик қилишга мажбурлиги таъкидланган. Мазкур конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Оила кодекси, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг қаролатилган тўғрисида» каби бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Айтиш жоизки, мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси, биринчидан, демократик Конституция бўлиб, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳолда халқаро демократик адола ва талабларга жавоб беради, иккинчидан, энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, Бош Қомусимизнинг дунё миқёсидаги ҳар қандай илгор давлат конституциясида кам жойи йўқ, учинчидан, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни, шу азиз ва муқаддас заманимизда истиқомат қилаётгани инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларини, хусусиятларини, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан хурмат, илмуфанга интилиш, ор-номус, иф-фат ва ҳаё каби эзгу фазилат-стуциявий нормалар ташкил этади. Ушбу қоидаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиеий партиялар тўғрисида», «Но-давлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг қаролатилган тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Ҳулоса қилиб айтганда, Конституция — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гуруҳ-ифтихор рамзи; миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ўзбекистонликлар учун мустаҳкам ҳимоя; қонун олдида ҳаммининг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этиши, бурч таъминлашлари бажаришида бамисоли дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Миравзал МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиги, юридик фанлар номзоди



ДАРСЛАРДА — КОНСТИТУЦИЯ САБОҚЛАРИ

Хуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш сари дадил одимлаётган мамлакатимизда фаол фуқаролик позицияси ва мустақил фикрга эга ёшларни камолга етказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Еш авлодининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда эса умумтаълим мактабларида ўтилайётган ҳуқуқий саводхонлик дарсларининг ўрни каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун олдидан юртимиз таълим муассасаларида Бош қомусимизнинг 22 йиллигига муносиб ҳозирлик кўриш мақсадида турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляптир.

Ана шундай тайёргарлик ишлари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактабида ҳам намунали йўлга қўйилган. Мактаб ўқитувчиси Дилноза Ҳакимова юқори синф ўқувчилари иштирокида «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида очик дарслар ўтказмоқда.

Бош Қомусимизнинг яратилиш тарихи, моҳияти ва ҳаётимизда тугган ўрни борасидаги сабоқлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этапти. Ўзаро савол-жавоблар асосидаги бахс-мунозаралар эса дарсларнинг янада қизиқарли бўлишини таъминламоқда.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Mehr qolur...

Фотима опа уйига қайтганида Насиба билан Нодира кўғирчоқ ташлашиб, ҳатто бир-бирини урмоққа шай турарди. Каттасининг қўлида сочи юлинган кўғирчоқнинг боши, иккинчисининг қўлида эса қолган тана аъзолари. Фарзандларининг ўйинчоқ туфайли жанжаллашганини кўриб, онаизорнинг кўнгли огриди. Чунки ўзининг опа-синглиси йўқлиги учун гўё қалби кем-текдек яшарди.

Ҳамон арази тарқамаган катта қизи онасининг хомушлигини сезмай ёнига югуриб келди-да, деди:

— Ойи, шу Насибани бекор туққансиз-да, ўзим бўлганимда яхши эди. Ана, Мадина билан Нафиса ўртоғим уйда ёлғиз, ўйинчоқларини ҳеч ким билан таллашиб уришмайди.

— Бу гапингни бошқа эшитмай, бир куни ҳали синглинг борлиги учун шукр қиласан, — дея танбеҳ берди кўзидоғи ёшни кўрсатмай секингина артиб олган Фотима опа.


...Орадан йиллар ўтди, бугун опа-сингиллар оила бекаси, шириндан-шакар болакайлариинг суюкли онажониси. Энди қизганишлар йўқ, аксинча, бир-бирига қўлидан келганича ёрдам бериб, ғамхўрлик қилишга уринарди. Опа энди англади: жигарпораси энг катта бахти экан.

КЗИМ ИККИТА БЎЛГАНИДА ЭДИ...

— Яккаю ягона дилбандимни оқ ювиб, оқ тараб ўстирдим. — дейди 60 ёшли Шохиста буви. — Аммо узатилган жойи яхши чиқмади. Кун сайин сўлиб бормоқда. “Ҳадеб турмушингдан нолийверсанг, касал бўлиб қоламан-ку”, деганимдан сўнг кўнглини ёрмай қўйди. Дугоналарига дардини дастурхон қилишни ўзига эп кўрмай сиқилганида баъзан “Онажон, нега мен ёлғизман, яна биттагина қиз туққаннингизда бўлмасмиди?” дея юрак-бағримни эзди. Эҳ, афсус, ўшанда қайнонам “Набирамга сирдош керак”, деганида унамагандим. Бежиз қари билганини пари билмайди, дейишмас экан-да.

Дарҳақиқат, яқин дугона, дўсту ўртоқлар ўз йўлига. Орадан гап қочса, сирингизни сотиши, ишониб айтган ҳасратингиз туфайли устингиздан кулиши мумкин. Аммо қариндошлик жону танингизга меҳру муҳаббат, бахту саодат бағишловчи мустаҳкам ришталар. Роҳатингиз — жондай азиз қондошингиз учун фароғатдир. Борлингиз — энг олий туҳфа. Сиз туфайли қадди баланд, кўкс осмон, кўнгли хотиржам. Ота-онангизга айтолмаган, аммо ичингизга сиймаётган дардингизни дилпорангиздан бошқаса юракдан тингламайди, тинглолмайди ҳам. Оғир дамда ёрдам қўлини узатган ҳамдардингиз ҳам у. Тўй-маъракаю қувончу қайғуда ҳам суйанган тоғингиз, ишонган боғингиз — опа-синглингиздир.

Қанча кўрсангиз, шунча соғинасиз. Улар билан кунлар файзли, туналарингиз нурафшон. Кези келганда онанинг ўрнини босувчи ҳам улар.



ЖОН РИШТАСИН БОҒЛАБ ОЛИНГ ЖОНИНГИЗГА

ОЙ ТЎХТАБ ТУРГАН КЕЧА

“Опа-сингил дардлашганда ой ҳам тўхтаб туради”, деган гапни эшитганмисиз? Мен ҳам эшитиб, ҳам гувоҳи бўлганман. Волидаи муҳтарамасидан эрта айрилган онам тўрт синглисини ўз фарзандидек катта қилиб узатгач, бағри хувуллаб қолади. Узоқ йиллардан буён йилда икки маротаба бешаласи йиғилиб, тонготар суҳбат қуришга одатланишган. Биз рамзий маънода “Ой тўхтаб турган кеча” деб атайдиган бу кун тақдир тақозоси билан ҳар тарафга палахмон тошидек отилган қизларнинг сирлашув, ҳасратлашув, диллашув оқшомига айланади. Бу дийдор кечасига алоҳида тайёргарлик кўрилар, қолган оила аъзолари эса уларга халақит бермасликка уринарди. Туни бўйи ҳасратлашиб, мижжа қоқмаган бўлса-да, қондошлик меҳри сеҳрли куч ато қилгандек тонгда тетик ва хуш кайфиятда юришарди.

Қанийди, дунёдаги барча жигарлар бир-бирига ғамхўрлик ва мурувват кўрсатиб яшаса. Гуруч курмасиз бўлмаганидек, уруғ-аймоқлар ўртасида арзимаган келишмовчилик туфайли аразлашиб юрганлар ҳам топилади.

ҚАЙНОНАМНИ ЙИҒЛАТГАН ҚУШИК

— Қайнонам меҳмон бўлиб келганиди, — дейди ўзини Дурдонахон дея таништирган фарғоналик жувон. — Зерикмасин деб телевизор қўйиб бердим. Бир пайт қарасам, кўзларимда ёш. “Тинчликми, ойи?” дея сўрадим, қўшиқдан таъсирланганини айтди. Қулоқ солсам, меҳр-оқибат ҳақида маҳзун ашула янграётган экан. Айтишича, қуда бўлмагани учун синглиси ундан аразлаб, гаплашмай

қўйибди. “Жигаримни жуда соғиндим. Унга боқсам, раҳматли онажонимни кўргандек, гаплашсам овозини эшитгандек бўлардим. Тўй-ҳашам ва кўча-қўйда ёнига бордим. Аммо юзини мендан тескари бурди. Ота-онамнинг руҳи шод бўлиши учун ҳатто кечирим сўрашга ҳам тайёрман”, деди кўз ёшини кенг енгига артишга шайланган қайнонам.

Ҳаёт фақат шоду хуррамлик ва осудалиқдан иборат эмас. Қонқариндошлар ўртасида ҳам келишмовчиликлар бўлиб туради. Дўсту дугона, ошна-оғайнилариинг янгиси билан танишиш мумкин, аммо ота-онамиздан ёдгорлик — опа-синглини қайта топишнинг имкони йўқ. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди, дейишади-ку! Бориди қадрламаган инсонларимизни, эртага минг пушаймон есақ ҳам, тополмаслигимиз мумкин.

ОПАМ — АРМОНИМ

“Бу воқеани курсдошим кўзида ёш билан айтиб берганда ҳаммамиз йиғлаб тинглаган эдик”, дейди жиззахлик Мафтуна Шамсиева.

“Тақдир тақозоси билан мен қишлоқда, опам шаҳарда яшагани боис бир-биримизни кўп соғинардик. Аммо дийдор доим ҳам насиб этмасди. Ишлаймиз, бунинг устига, ёш болалар билан узоқ йўл — азобнинг ўзгинаси. Қайсидир байрамда опам қишлоққа келди. Ота уйда меҳмон бўлиб, дийдорлашишга келишдик. Қайнонамдан рухсат сўрасам, “Ўзи, яқинда бориб келдингиз-ку”, дея розилик бермади. Турмуш ўртоғим эса онасининг юзидан ўтолмади. Опам у ёқда, мен эса бу ёқда, жуда сиқидик. Ахир, бу кунни анчадан буён интизор кутаётган эдик-да...”

Ҳафта ўтиб, меҳрибоним бутунлай кетди. Нафақат қишлоқдан, бу ёруғ дунёдан ҳам кетди. Бедаво

дард ичдан еб тугатган экан. Пушаймондан фойда йўқлигини билсам ҳам, ўзимни кечиролмайман. Билганимда нима қилиб бўлса-да, опамни сўнгги маротаба кўриб, дийдорига тўйиб қолардим. Энди умрбод армон билан яшасам керак”.

Бу ҳикояни тинглар эканман, ўзим ҳам синглимни соғинганини ҳис қилдим. Кўрмаганимга олти ойдан ошибди. Тезда ишларимни битириб, қишлоққа отландим. Ахир, ундан бошқа ким мени ўзимдек тушуна олади? Ҳар куни кўнғироқлашамиз. Бир кунгина суҳбатлашмасам, нимадир етишмаётгандек, энг кераклик нарсамни йўқотиб қўйгандек сезаман ўзимни. Бежиз опа-синглини “Бир гулнинг икки гунчаси”га ўхшатишмас экан-да. Худди мана бу воқеадаги сингари.

БИР ГУЛНИНГ ИККИ ГУНЧАСИ

“Қизларим болалигидан жураиноқ, меҳрибон ўсди, — дея бешидан ўтган воқеани сўзлай бошлади онамнинг яқин дугонаси Севара опа Қодирова. — Буй-басти тенглиги учунми, кўпчилик эгизак деб ўйларди. Хуллас, опасини узатадиган бўлдик. Тўй куни белгилангач, бечоралар хомуш тортиб қолишди. Қачон хонасига кирсам, йиғлаб ўтиришарди. Бу — ҳаёт қонуни, кун келиб барча қизлар турмушга чиқиши керак, дея овутсам ҳам, нигоҳларидаги маъюслиги ҳеч аримади. Тўй куни опасини карнай-сурнай билан кузатаётганимизда синглисининг кўзидан оқётган шашқатор ёшни кўриб, юрагим эзилди.

Ҳайрлашиш навбати келганда иккаласи ҳўнграб юборишди. Опасининг кучоқлашиб йиғлаётганига қараб меҳмонларнинг ҳам киприклари намланди. Шусиз ҳам юрагимнинг парчаси — дилбандимни янги уйга кузатиш мен учун оғир эди. Синглисининг ахволидан хавотирим янада ортди. Опасига ичкиб, касал бўлиб қолди. Янги келин, қақиринга уялиб, индамадик. Зўрага бир ҳафтани ўтказиб, кўргани бордик. Ҳозир анча кўнликди. Лекин баъзида “уят” десам ҳам, баҳона топади-да, дарров қудамниқига жунаб қолади. Қизларимга қараб, қондошлик — умрбодлик эканига яна бир карра амин бўламан”.

Бундай воқеаларни барчамиз эшитганмиз, баъзан гувоҳ бўлиб, баъзан иштирок этганмиз. Яқинларимиз, жигарларимиз — ҳаётнинг биз учун энг катта туҳфасидир. Оллоҳ маҳкамлаган оқибат риштаси мудом узилмасин. Қалбикалбимизга пайванд опа-синглимизнинг қадрига ҳамиша етайлик. Қўлингиздан келса, ҳозироқ хабар олинг, ҳеч бўлмаса кўнғироқ қилиб, ҳолини сўранг. Шунда кўнгли тоғдек ўсиб, қалби қувончга тўлади. Ўзингиз ҳам қушдай энгил тортасиз!

2014-yil 3-dekabr, № 97 (8746)

Бу дунёда болаларнинг ҳам ўз дунёси бор. Улар жамият ва табиатга ана шу дунёлари деразасидан қараб, баҳо берадилар, фикр юритадилар. Бегубор болаларгина “токчадаги қаймоқдан кўтармай сира бошин” ичаётган мушукни биз катталар каби қувиб-солмай, раҳм кўрсатадилар. “Оламошим” шеърининг қахрамони шунда “оёқ учиде аста” ҳовлига чиқиб кетади. “Бепарволигим сабаб қорни очгани тайин” деб ўзини айблайди ва хотиржамлик билан “Бир гал қаймоқ емасам, емабман-да майлига” деб қаноат туяди. “Меҳрнинг кучи” шеъри қахрамони эса сизини атайин узоққа (катталар кўрмаслиги учун) ўтлатишга олиб бориб, бузоқнинг эмиб олишига имкон яратади. “Булутли кун”да эса бола-ўқувчи урушда бир оёғидан ажралган бобосининг бундай об-ҳавода оёғи оғришини ўйлаб, дарсда безовта ўлади, эзилади.

Хамза Имонбердиевнинг шу каби кўп шеърларида инсоний меҳр, ҳамдардлик, яхшилик қадрланади. Шоир лирик қахрамонларининг ички кечинмалари, руҳий ҳолати, ҳиссиётлари ни жонли, табиий тарзда тасвир эта оладими, бу кайфият ўқувчига ҳам “юқади”. Ўқувчи қахрамонга руҳан, қалбдан ақинлашади.

“Араз” шеърисида икки акаси (Ҳасан-Хусан)нинг ораси бузилганидан изтиробга тушган боланинг эзгин ҳолати чизилади. У ҳатто жаҳл билан “Қайданам бу ўжарларга Ука бўлиб қолганман мен”, дейишгача боради. Кейин ўйлаб-ўйлаб, бир “хйла” топади-да, акаларини яраштириб юборади. Қахрамон тилидан унинг кейинги ҳолати шундай тасвирланади: “Ўзимда ёш, кулвордим мен”. Ҳа, икки акаси орасидаги аразни аритган боланинг руҳий ҳолати бу, кўзда ёш билан қулиш. “Қўполлик” шеърисида ноҳос билмасдан акасини хафа қилиб қўйган уқанинг руҳан қийналиши кўрсатилган. Акаси аввал уни кечирмайди, жеркийди. Ука тушқунликка тушиб, ҳатто ҳаётдан ҳам совиғандай бўлади. Кейин акаси уни илиқ муомала қилиши билан кўнгли тонгдай ёришиб кетади:

**Акам бўлса ёнимда,
Кувнаб кетаман.
Шундай акам турганда
Ўлиб нетаман!**

“Укам” шеърисида эса уқасини “Тез ёрдам” олиб кетган ақа(бола)нинг ёрик изтироблари ўз тилидан чуқур очиб берилган:

**Тушунолмай қолдим мен,
Билмам нима бўляпти.
Кўзим ҳам ўз-ўзимдан
Жиқ-жиқ ёшга тўляпти.**

Мана шундай ҳолатга тушган, ўз жигарига дилдан ачинаётган бола — инсон ҳамма нарсани уқасига беришга рози:

**Ўйинчоқнинг ҳаммаси
Сенга бўлсин, олақол.
Майли, сими узилсин,
Рубони ҳам чалақол.**

Меҳрибон ака бемор уқасига хаёлан “Не хоҳишинг бор бўлса, Бажа-раман, айтсанг бас, Уқажоним, соғай-йи, Уйга тезроқ қайтсанг бас!” деб мурожаат қилади.

Ака-уқалар орасидаги ўзаро муомала-муносабатлар, уларнинг руҳий-ҳиссий ҳолатлари бу шеърларда ёрқин акс этган. “Кўк қалам” эртагида меҳр, яхшилик кўрсатиш, ака-ука “доира”сидан чиқиб, табиат, жамият ҳудудига ўтади. Ҳайрат исмли болага Қуёшбобо сеҳрли кўкқалам совға қилади. Бу ҳолдан Ҳайрат лол-қарахт. Унинг хайрат-ҳаяжонлари раво ва самимий сатрларда ифодасини топган. Қуёшбобо бу қалам билан учта нарсанинг сурати чизилса, уларга жон қиради, шу билан қаламнинг сеҳри тугайди, дейди. Ҳайрат шошиб бир сичқончанинг расминини чизса, у жонланиб, юриб кетади. Энди унинг сеҳр кучига тўлиқ ишонч ҳосил қилган Ҳайрат хаёлларга берилиб, нима чизсам экан, деб турган-

да бир кучук мушукни қувлаётганини кўради. Дарҳол уларнинг аҳил-дўст бўлиб турган ҳолатини қорғога туширади. Шундан кейин ит-мушуклар ҳам иноқ бўлиб қоладилар. Ҳайрат охириги, учинчи расм — нимани чи-зиш ҳақида ўйларга берилади. Шу пайт кичик Нурлан шари учиб кетганини айтиб, йиғлаб қиради. Ҳайрат дарҳол шар суратини чизиб, чин

шар ҳолида унга узатади. Севинган Нурланни кўриб Ҳайрат ҳам мамнун бўлади. Чунки у яхшилик қилди, бир боланинг дилини шод этди. Шундан ўзи ҳам қувонадики, қахрамонимиз гоят олижаноб бола. Бироқ энди қаламнинг сеҳри тугайди. Ҳайрат:

**Қаламимнинг кучи кетди,
Дилмига завқ бериб кўп.
Ниятларим, эҳ, мўл эди,
Мўъжизалар қолди кўп,**

деб турганида Қуёшбобо чиқиб келади:

**Мўъжизалар кўп шунчалик,
Ҳайрат болам, шимар энг.
Элга қилган ҳар яхшилик
Катта мўъжизага тенг!**

Бу хитоб, аслида, шоирнинг поэтик гоё-хулосаси. Эртақда табиатга, инсонларга меҳр кўрсатиш, яхшилик қилишнинг ўзи “катта мўъжиза” эканлиги айтилиб, шунга даъват этилади.

Хамза Имонбердиевнинг шеърларида бир муштарак жиҳат борки, бу табиат ва инсонларга фақат меҳр, яхшилик соғиниш ҳисси. Бу эзгу ният ва даъватлар бугунги кун боласининг қалбига ҳам илиқлик, нур олиб кириши шубҳасиз. Асосийси, шоир бу ёруғ гоёларини қуруқ, яланғоч баён этмай, жонли манзаралар, қизиқарли воқеликнинг образли тасвирлари орқали бадий ифода этади.

Хамза Имонбердиев услубига хос жиҳатлардан бири шеърларида реал воқелик тасвири эртақ ёки фантастик тасвирлар билан ўйғунлашиб кетишидир. Унинг “Сабок”, “Бир кунлик мўъжиза”, “Таъсис олмаляр”, “Фил булут”, “Хўп-хўп”, “Омон қуён”, “Меҳмон хола ва бола саргузашти” каби шеърларида шу хусусиятни кўриш мумкин. Шоир маънавий-руҳий ҳолат ва тушунчаларни, болаларга аниқ ва тушунарли бўлиши учун, моддийлаштиради. Бунда эртақка хос унсурлар ва фантастик усуллардан фойдаланадики, бу шоир айтмоқчи бўлган фикр-ғоянинг таъсирчан ва қизиқарли ифодаланишини таъминлайди. Масалан, “Хўп-хўп” шеъри шундай эртақнамо бошланади:

**Ҳовлимиз бир четига
“Хўп”дан эқдим бир талай...
...Меҳнат қилдим, тер тўқдим,
Ҳошили зўр бўлди-ку.**

Ўзбек болалар адабиёти

**Сервитамин “Хўп-хўп”га
Қанор-қопим тўлди-ку.**

Шеърда “хўп” деган сўз моддийлаштирилган, у — “экин”. Бу экиндан мўл ҳосил олган қахрамон зарур бўлганда уни бемалол сарфлайверади. Нима гап-сўз, савол-топириқ бўлса, қолидаги “хўп”дан бериб, қутулиб кетаверади. У айтмоқчи, “хўп”нинг қаромати кўп. Катталар иш буюрса, дейсиз фақат хўп-хўп. Қутулиб бир “хўп” билан, билганингиз қиласиз”. Шу тариқа, ҳамма гапга қуруқ “хўп” деб, амалда ҳеч бир иш қилмайдиган лирик қахрамоннинг охирида иши пачава бўлади.

Ўқитувчи бир кун унга синфда қолганини айтади:

**Синфда қолар бўлдинг,
“Икки”ларинг тўп-тўп.**

ЯХШИЛИК СОҒИНЧИ

Шунда:

**Чиқиб кетди оғзимдан
Бейхитёр “Хўп-хўп”.**

“Хўп-хўп”чи боланинг аянчли аҳвали шундай қулгили фош бўлади. Шоир қуруқ гап билан, фақат “хўп” деган билан бировларни алдаб, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, аксинча бундай кишининг охирида сирини очиб, ҳоли ёмон бўлади, деган фикр-ғояни жўн баён қилмай, қизиқарли сюжет орқали кўрсатиб беради. Бунда эртақка хос ифода усулидан фойдаланади.

“Бир кунлик мўъжиза” шеърисида ҳам эртақка ўхшаган воқеа тилга олинади. Тўғрироғи, воқелик эртақ тарзида ҳикоя қилинади. Шеърда айтилишича, бир шаҳарда мўъжиза рўй бериб, каттаю кичик бир кунга “мумкин эмас” деган сўзни айтмасликка келишади. Бундан лирик қахрамон гоят хурсанд: “Хоҳлаганча уқлайман, ё ўйнайман истасам... Ҳеч кимса “мумкин эмас” деёлмас”. У ойисига музқаймоқ ейман, дейди. Ойисини рози бўлади, чунки “мумкин эмас” деёлмайди-да. Роса музқаймоқ еб, томоғи оғриб қолган лирик қахрамон кейин ночор ҳолга тушади. Энди

**...дорлар нафсиз,
Ойим дер: укол берки.
Йўқ деёлмайман, афсус...**

Бунда ҳам ўз нафсини тиёлмаган боланинг охирида “афсус”ли ҳолати ўқувчида кинояли қулги уйғотади.

“Турди, ўғри, Кетмонвой” ҳам эртақсифат шеър. Кичик Турдининг иштаҳаси йўқолиб қолади. У иштаҳани “ўғри урди!” деб дод-вой солади. Бунда иштаҳа моддийлаштирилиб, гўё ўғирланган ашё-буюм сифатида тасвирланган. Бу ҳам шоир ижодиға хос хусусият. Шу зиддиятли ҳолатдан кейин воқеалар ривожини бошланади. “Ўғирланган” иштаҳани топиш учун “ота-она, милиционер ҳар томонга зир югурди. ...докторлар ҳам шошайлик! Деҳ, иштаҳасин очайлик деб” ҳаракатда. Бироқ “иштаҳачи, очилмайди, очилмоққа шошилмайди”. Шу ўринда шоир воқеани, сюжетни қуруқ баён этмай, мана шундай қизиқ тасвир ва қуйма қофиялар билан раво, таъсирли, поэтик

баён этаётганини эътироф қилиш лозим. Бунда эртақ ва халқ достонларига хос ўта муболага билан воқеалар жуда бўрттирилиб, ошириб кўрсатиладики, бу ҳам ўқувчини ўзига тортади. Кичик Турдининг йўқолган иштаҳасини топиш учун ота-она, милиционеру докторлар, ҳамма сафарбар. Аслида, бу шоирнинг бадий уйдирмаси, тўғрироғи, унинг услубига хос кашфиёт. Бу болаларга хос фантазия, хаёлпарастликдан келиб чиқиб яратилган тасвир. Хуллас, охирида “ҳовлида жим ётган, ишлатилмай, занглаб кетган” кетмон ўрнидан “даст туриб”, Турдиға дейди: “Аввал зангим кетгунча ишлатиб, дарахтлар остин юмшатиб, гулзорларни чопиқ қилсанг, ўғрини мен топиб бераман”. Турди унинг шартига кўниб, ишга тушиб кетади, роса меҳнат қилади. Шунда “бош оғриги қолди, иштаҳа ҳам очилди ланг”. Шеър сўнгиде “Сездингизми, ким у ўғри?” деб сўралар экан, ёш китобхон бу саволнинг жавобини яхши билади. Дангасалик, ишқамаслик иштаҳа ўғриси эканини, меҳнат қилиш кераклиги, бу соғлиққа фойдалигини яна бир бор ҳис этади. Муҳими, шоир шу фикрларни очиб, жўн баён қилмай, қизиқарли сюжет замирига синдириб юборган. Бу бадий маҳорати, ўзига хос услуби самарасидир.


“Фаройиб пуфак” шеърисида ҳам реал ҳолатга эртақ, фантастика унсурлари қўшилиб, уйғунлаштирилган. Баъзи болалар мактовдан “шишиб”, ҳаволаниб кетади. Худди шу мажозий маънодаги ҳолат(шишиб, учуши) шоир тўғри маънодаги ҳолатга кўчиради. Шеър қахрамонининг ҳикоя қилишича: “Кеча мовий осмонда Пуфакка ўхшаш нарса Кўринди биз томонда”. Бургут уни чўкиб кетади. Пуфак тешилиб, ундан шу гаплар эшитилади:

**Яшасин Мухтор шоввоз,
Футболни ўйнайди соз.
Аълочи, жамоатчи,
Хўп ақли шахматчи.**

Пуфак пасайгани сари ундан шу тахлит сўзлар таралаверади. Бир пайт ботқоққа тушган пуфакни қарашсаки, у 3-синфдаги Мухтор деган бола экан. “Мухтор мактовдан шишиб, шардай осмон-фалакка кетган экан-да учиб”. Шоир мактовлардан кеккайиб кетган боланинг ачинарли қиёфасини шу тарзда чизади. Пуфак(мақтанчоқ)нинг ботқоққа тушишида ҳам рамзий маъно бор. Бундайлар аввал ҳаволаниб кетиб, охири ботқоққа ботиши тайин. Шоир болалар орасида учраб турадиган шу иллатни эртақнамо воқеа орқали бўрттириб, қизиқарли қилиб тасвирлайдики, бу ёш шеърхон онгида чуқур муҳрланиб қолади.

Шоир маънавий тушунчаларни, иборалардаги кўчма-рамзий маъноларни реал воқеликка предметлаштириб тасвирлаш(масалан мактовдан шишибни шарға, “қуён” бўлгани жониворга айлантириш) билан ўз гоёвий-бадий концепциясининг поэтик хулосаси қизиқарли, таъсирчан ифодаланишига эришади. Умуман, Хамза Имонбердиев ўзининг биз тилга олмаган кўплаб шеърларида ҳам болаларнинг ёш хусусияти, феъл-атвори ва фантазиясидан келиб чиққан ҳолда, эзгу фазилатларни улуғлаб, аксинча, иллатларни қоралаб, аччиқ кинояли қулги остига қолади. Бу шеърлар ёш китобхон қалбига яхшиликка хайрихоҳлик, иллатларга муросасизлик туйғуларини тарбиялаши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Турсунбой АДАШБОВЕВ,
Дилшод РАЖАБ**



Куз фасли тугаб, қишнинг совуқ кунлари ҳам бошланди. Табиийки, бу вақтда иссиқ таомлар, айниқса, ичимликлар жоннинг роҳати. Бир пиёла иссиқ чой ёки сут, айниқса, хушбўй таъмга эга қаҳва тақлиф этилса, инкор этувчи инсон топилмас керак. Уни ўз таъбингизга кўра тайёрлаб ичар экансиз, турли ҳис-сийлар оғушида қоласиз...

ҚАҲВАНИ ҚАНЧА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ КЕРАК?



Олов тафтини олиб...

Қаҳва — кофе турига мансуб бир қанча ўсимликларнинг қовуриб, махсус ишлов берилган уругидан тайёрланган хуштаъм ичимлик. Унинг турфа номлари, ҳар хил тайёрланиш усуллари мавжудки, бугун дунёнинг исталган нуқтасида, исталган кафе ёки ресторанда унга буюртма беришингиз мумкин. Мазкур махсуслотни етказиб берувчи асосий плантациялар тропик ўлкалари — Лотин Америкаси, жануби-шарқий Осиё ва экваториал Африкада жойлашган. Плантацияларга ўтказилган қаҳва кўчати 5 йилда ўзини тутиб, 30—40 йил давомида ҳосил беради. Манбаларда келтирилишича, қадимги Эфиопияда истиқомат қилган оромо халқлари азалдан кофенинг ўзгача хусусиятидан баҳраманд бўлишган. XIV асрга келиб эса кичикроқ дарахт ёки бўта ҳолида ўсувчи кофе маданийлаштирилиб, бир неча асрдан сўнг Миср, Яман, Туркия, Эрон каби давлатларга етиб борган.

Дарахтда пишиб ўтилган вақтда қаҳва олчага ўхшаб қизил рангда бўлади. Ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг пўстлоқ қисми олиб ташланади. Яшил уруг қисми эса сифатига қараб сараланади. Кейинги босқичда доналар 200 даража иссиқда 20—30 дақиқа давомида қовурилади. Қовуриш жараёнида улар бир марта каттиқ товуш чиқариб ҳажман икки марта катталашади. Агар товуш яна бир мартада содир бўлса, демакки қаҳва доналари пишган. Айнан шу жараёнда қаҳва доналаридаги углеводлар қуруқлашиб, уругнинг яшил ранги тўқ жигаранг тусга қиради.

Донларни қовуриб олишнинг яна бир сабаби улар таркибидagi кофеолдир. Ушбу учувчан, ўткир хидга эга (ароматик) моддалар ҳаводаги кислород билан жуда тез реакцияга киришиб, оксидланади. Қовуриш жараёнида эса донларнинг юза қисмида кофеолни химоялаб турувчи қатлам юзага келади ва натижада қаҳванинг хуштаъм ва хушбўйлигини таъминлайди. Сифатли қаҳва қоп-қора тусга киргунча қовурилмайди. Унинг куйдирилиш жараёни ва олов тафтида қанча муддат туриши жуда муҳим. Ушбу жараёнинг нотўғри олиб борилиши махсуслот таъмини бузиши мумкин. У қанчалки маҳорат билан оби-то-



Сотувдаги қаҳва

Қаҳванинг асосан икки хил нави савдо учун етиштирилади: "арабика" ва "робуста". Ҳозирги кунда "арабика" навини дунё аҳолисининг 70 фоизи, "робуста"ни эса 30 фоизи севиб истеъмол қилиши аниқланган. Бунинг асосий сабаби "робуста" нави "арабика"дан кўра аччиқ таъмга эга, шунингдек, унда кофеин миқдори ҳам кўпроқ. Шу сабабдан ўткир қаҳвани истеъмол қилувчилар сони нисбатан кам.

Қаҳвани бир неча усулларда дамлаш мумкин. Кенг тарқалган усуллардан бири "эспрессо". "Эспрессо" усулида қаҳва доналари кучли босим остида майдаланади, шундан сўнг қайноқ сув куйилади. Юқорида таъкидланганидек, бу усул қолган дамлаш жараёнлари учун асосий қисм сифатида хизмат қилади. Мисол учун, "американо" тайёрланиш усулида "эспрессо" ва кучли аччиқ таъмини суюлтириш учун қўшимча сув қўйилади. "Капучино" усулида эса "эспрессо", сут ва кўлик, яна бир кенг тарқалган усулда "эспрессо", сут, шоколад қиёми, кўпиртирилган крем аралаштирилади.

Мазкур махсуслот дастлаб майдаланмаган ҳолда истеъмолчига етказилган бўлса, қаҳва компаниялари ўртасидаги рақобат уни кулай кўринишга келтиришга ундади. 1947 йили қаҳва майдалайдиган машина иختиро қилинган, муаммолар анча енгиллашди. Ҳозирги кунда қаҳва тайёрловчи машиналарга қатор кулайликлар киритилмоқда.

Катта даромад келтирувчи қаҳва саноатида ҳам қалбаки махсуслотларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол. Одатда қалбаки қаҳвани тайёрлаш учун цикорий (ўсимликнинг қуритиллиб, қаҳвага аралаштирилладиган илдизи) аралашмасидан фойдаланилади. Бунини аниқлаш учун сохта махсуслотни совуқ сувга солиб кўриш кифоя. Шунда у ўз рангини ўзгартиради. Табиий қаҳва эса бундай шароитда ҳам



асл таъми ва кўринишини йўқотмайди.

Кўпчилик уйқуни қочираш учун кеч тушиши билан қаҳва истеъмол қилишга тутинади. Дарҳақиқат, қаҳва уйқуни қочиради, чунки у асаб тизимини кўзгайди. Бироқ қаҳва истеъмолига оид тадиқот натижалари унинг ижобий хусусияти билан бирга салбий жиҳатларини ҳам намойиш этмоқда. Унинг зарари ҳақида гапирилганда, саломатлик учун зарарлими, кекса ёшли ёки беморлар учун тавсия этиладими, деган саволларга жавоб излаш лозим. Шифокорлар ушбу саволларга жуда эҳтиёткорлик билан жавоб беришади. Куйида ҳақон олимлари изланишларидан келтирилётган маълумотлар эса унинг меъёри, фойда ва зарари ҳақида.

Қаҳва уйқуни қочиради(ми?)

Қаҳва таркибида 1200га яқин қиммий бирикма аниқланган бўлиб, улардан 800гаси хуштаъмлик ва хушбўй хид таратувчи қўшилмалардир. 100 грамм қаҳва таркибиди 1500 мг.гача кофеин учрайди. Маълумки, пурин алкоидларини (кофеин, теобромин, теофиллин) кунига 1000 мг.дан мунтазам истеъмол қилиш унга ўрганиб қолишга олиб келади. Демак, қаҳва мунтазам равишда истеъмол қилинса, унга ўрганиб қолиш ҳеч гап эмас.

Одатда қаҳва артериял босимни тахминан 10 мм атмосфера босимигача оширади. Айрим тадиқотчилар эса қаҳва истеъмол қилиш ва юрак қон-томирлари касалликларни орасида боғлиқлик йўқлигини айтишмоқда. Зеро, у қисқа муддат ичида инсонни тетиклаштиради ва диққатини жамлаш учун хизмат қилади. Кунига бир чашка қаҳва истеъмол қилиш меҳнат самардорлигини ошириб, хотирани мустаҳкамлайди ва кайфиятни кўтаради. Агар меъёрида истеъмол қилинса, у

жигар церрози хавфини камайтиради.

АҚШ, Япония ва айрим Европа давлатларида олиб борилган қатор тадиқотлар натижасида маълум бўлдики, кунлик меъёр остида қаҳва истеъмол қиладиган инсонларда (шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда) қандли диабет ва юрак касалликлари билан оғриш хавфи камайар экан. Мадрид университети ва Гарвард мактаби олимларининг 128 минг инсон иштирокида олиб борган 20 йиллик

Менхед университети (Эрон) олимлари қаҳва антибиотикларга қўшилганг қичарувчи юмалоқ бактерияларга қарши 4 баробар самарали бўлишини аниқлашди. Бошқа манбаларда келтирилишича, андандан бери жисмоний машқ қилмасдан туриб спорт билан шуғулланганда содир бўладиган бўғимлар оғринини қолдириш учун қаҳва ичиш тавсия этилади.

Жисмонан соғлом инсоннинг кунига қанча миқдорда қаҳва истеъмол қилиши мумкинлиги ҳақида аниқ миқдор қайд этилмаган. Бироқ инсон бирдангига ортиқча қаҳва истеъмол қилса ёки доимий меъёрига камайтириб юборса, унда бош оғриги, асабийлашиш, серуйқулик юзага келиши мумкин. Меъёри доимо қатъий ушлаб туриш ёки босқичма-босқич қисқартириш лозим.

Артериал гипертензиянинг 2 ёки 3-даражаси билан хасталанган беморлар, юрак ишемик, буйрак, уйқусизлик ва асаб касалликларидан азият чекувчилар ҳам кофе ичиши мумкин эмас. Айниқса, ирланд қаҳваси (қаҳва тайёрлаш усули) уларга буткул таъқиқланган. Бунда қаҳванинг юрак мушаклари фаоллигини ошириб юбориши нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, айрим инсонлар ҳам мазкур ичимликни маълум муддат истеъмол қилмасликларига мақсадга мувофиқ. Жумладан, даниялик олимлар қаҳвани ҳомилдорлик вақтида қабул қилиш мумкин эмаслигини исботлашди. Бунда ҳомиланинг нобуд бўлиш эҳтимоли 33 фоизга ошади. Сабаби, ичимлик она ва болада темир моддасининг етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Шунингдек, атеросклероз, қон босими юқори бўлган инсонлар ҳам уни шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда қабул қилишлари мақсадга мувофиқ.

Қаҳва ўзида холестерин миқдорини оширувчи кофеостол моддасини сақлаб қолиши боис муаммони кофевадкага (кофе қайнатилган асбоб) махсус қозғоғ фильтр ўрнатиш билан бартараф қилиш мумкин. Фильтрланмаган қаҳвани истеъмол қилган вақтда организм кофеостол миқдорини қерағидан ортиқ қабул қилади. Агар киши кофеин моддаси ажратиб олинмаган кофе ичиб, ундан сўнг глюкозали махсуслотлар (ассосан шираниликлар) истеъмол қилса, унинг инсулин (қонда қанд моддасининг кўпайишига қарши қўйилган гормон) моддасига сезувчанлиги пасаяди. Натижада турли кўнгилсиз ҳолатлар юзага кела бошлайди. Шунингдек, уни тайёрлаётганда сут махсуслотлари ва шакарни меъёрида, иложи борица камроқ қўшган маъқул. Сабаби, улар қондаги холестерин ва глюкоза миқдорини ошириб юборади.

Маълум бўлганидек, қаҳва фойдали ичимлик, бироқ унинг ноҳўя таъсирлари ҳам йўқ эмас. Шундай экан, қайси вақтда организм учун ижобий натижа беради, қандай ҳолатда салбий таъсири борлигини билиб, меъёрида истеъмол қилиш унинг фойдалилигини оширади. Бунда унинг тайёрланиши ва миқдори ҳам катта аҳамиятга эга. Белгиланган меъёрларга риоя этар экансиз, роҳатбахш ичимликдан вужудингиз нафақат яйрайди, балки кайфиятингиз кўтарилиб, ишчанлик рутини яхшиланган, танангиз зарур минерал ва витаминлар билан таъминланади.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

2014-yil 3-dekabr, № 97 (8746)

**БОЛАГА ТЕЛЕВИЗОРНИНГ
ЗАРАРИ КЎПРОҚ**

Монреал ва Сан-Жустина университетлари тадқиқот марказлари ҳамда Мичиган университети олимлари икки ёшли боланинг мунтазам телевизор кўриши салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айтишмоқда. Сўнги кузатишларга кўра, ёмон ҳуқ-аъво ва одатлар кўпроқ онги тўла шаклланиб улгурмаган боланинг телевизор кўриши оқибатида юзага келмоқда.

Маълумки, икки ёшгача бўлган болалар телевизорни кунига икки соатдан кўп кўриши таъқиқланади. Боланинг белгиланган муддатдан ортиқ экранга боғланиб қолиши унинг ўқишга бўлган иштиёқини пасайтириб, тана вазнининг ортиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Сабаби, жуда кўп телеманиячилар "кути"га боғланиб қолгани боис дарс қилиш ва овқатланишни ҳам унутади. Бунинг оқибатида эса баҳолари пасайиб, зарарли одатларга ружу қўйиши мумкин, дея таъкидлайди Монреал университети олими, психология фанлари доктори Линда Пагани. Вақтни нотўғри тақсимлаш, фикрни жамлай олмаслик, беҳуда нарсаларга чалғиш кун бўйи экран қаршисидан кетмайдиган болаларда тез-тез учрамоқда.

Бундай ҳулосага келиш учун 1314 нафар кўнгилли боладан иборат гуруҳ тuzилди. Уларнинг 28 ойлигидан 58 ойлигигача қанча муддат телевизор томоша қилганлиги ўрганилиб, ўқишга муваффақияти, руҳий ҳолати ва тана вазнининг ўзгариши баҳоланди. Сўнгги ҳулосаларга кўра, меъёридан ортиқ телевизор кўриши мактабга бўлган қизиқибатини сўниши, аниқ фанлардан ўзлаштиришнинг пасайиши, дўстона муносабатдаги муаммолар, кунлик jismoniy фаолиятнинг камайиши, тез тайёр бўлувчи маҳсулотларга ўрганиб қолиш, тана вазнининг ортиши каби ҳолатларга олиб келган.

Шифокорлар боланинг эрта телевизор кўриши ва унинг салбий таъсири ҳақида сўз юритишар экан, ота-оналарни янада эътиборлироқ бўлишга чақирди. Уларнинг фикрича, кичик ёшли болаларни кўпроқ ақлий ва jismoniy меҳнатга жалб қилиш салomatligi ва келажги учун ижобий натижа беради. Гарчи телевизорларда яхши кўрсатувлар кўп намоиш этилса ҳам, уларни танлаб, сўнг болага тавсия этиш лозим.

**«АҚЛЛИ» УСТУНЧАЛАР БАРЧА
САВОЛЛАРНИ
ОЙДИНЛАШТИРАДИ**

Интернет орқали савдо-сотиқ ишлари борасида машхур "Amazon" компанияси "ақлли" устунчаларни ишлаб чиқди. Овоз тизими билан ишловчи мусиқий карнай фойдаланувчини қизиқтирган ҳар бир саволага жавоб бера олади. У мажкур жараёни Wi-Fi тизимидан фойдаланиб, истеъмолчи учун кулай вақтда амалга ошириши мўжжалланган. "Amazon Echo" тахлил қилиши ва аниқлаштириши учун фойдаланувчи берган саволларни махсус серверга жўнатади ва тўғри жавобни айтади.

Ҳайратланарлиси, ундан исталган йўналишда маслаҳат олиш, жумладан, харид рўйхати ва кунлик режа тузиш, ҳаттоки қандай жанрдаги мусиқа тинглаш борасида ҳам ёрдам сўраш мумкин. Қурилма кунлик янгиликлардан хабардор қилиши, вақтни ва олдиндан белгиланган эслатмаларни айтиб туриши, овоз орқали берилган буйруқлар ёрдамида эса уйғоғувчи вазифасини бажариши мумкин.

Берилган буйруқни исталган нуқтадан, қурилмада мусиқа янграб турган бўлса ҳам, аниқлаш имкониятига эга. Устунни масофадан туриб боқаришини «iOS» ва «Android» қурилмаларига ўрнатилган махсус иловалар орқали ҳам бажариш мумкин.

Ташқи томондан қурилма қора цилиндрни эслатади. Гаджетда 2.5 дюймлик ички радиокарнай, 7та товушни аниқлаштириб берувчи ўта сезгир микрофон, карнай (фазаинвертор), Wi-Fi ва Bluetooth модуллари жойлаштирилган бўлиб, овоз ёрдамчиси, яъни жавоб берувчи "ёрдамчи" "Alexa" ("Алекса") калит сўзи билан ишга туширилади. Қурилма "Amazon Music Library" (онлайн мусиқалар жамланмаси) ҳамда интернет-радиога боғланиш имкониятига эга.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

"Ma'rifat" - "Учитель Узбекистана" газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Хулкар Тўймановага падари бузруквори

ЕРБЕК отанинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Абед Нодира Сойибжановнанинг «Самарали конструкция полимера материалларни яратиш ва улардан нахтани қайта ишлаш машиналари деталларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (техника фанлари) мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти, ЎзМУ қошидаги Полимерлар кимёси ва физика-илмий текшириш маркази, Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 16.07.2013.К/Т.14.01-илмий кенгашда 02.00.07 - «Композицион материаллар кимёси ва технологияси» ва 05.02.01 - «Машина-созликда материалшунослик» ихтисосликлари бўйича бир марталик илмий кенгашнинг 2014 йил 25 декабрь соат 10⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент, Мирзо Улугбек кўчаси, 77 а. Тел: (+99871)262-56-60, факс: (+99871)262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru.

Тўхтаев Ҳаким Раҳмоновичнинг «Дориларнинг дисперс системаларининг коллоид-кимёвий хоссалари ва технологик параметрларини сирт-фаол моддалар ёрдамида бошқариш» (фармацевтика фанлари) мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Тошкент фармацевтика институтини ҳузуридаги 16.07.2013.Фар.21.01 рақамли илмий кенгашда 15.00.01 - «Дори технологияси ва фармация ишларини ташкил этиш» ва 15.00.02 - «Фармацевтик кимё ва фармакогнозия» ихтисосликлари бўйича илмий кенгашнинг 2014 йил 24 декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 45. Тел./факс: (+99871)256-37-38; e-mail: pharmi@bec.com.uz.

Мухамедова Муяссар Гафурдировнанинг «Сурункали юрак этишмовчилигида нейрогуморал ва эндотелиал тизимлар бузилишига боғлиқ ҳолда сийдик ҳайдовчи воситалар билан дифференциал даволаш» (тиббиёт фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.19.01 рақамли Илмий кенгашда 14.00.06-Кардиология ихтисослиги бўйича илмий кенгашнинг 2014 йил 29 декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.

Абдурахмонов Гулмурзанинг «Конденсатланган ҳолат физикаси» ихтисослиги бўйича «Металл оксидлари билан легиранган ишқорсиз қўроғин-силикат ишчалар структураси ва транспорт хоссаларининг ўзига хос жиҳатлари» мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Ядро физикаси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий кенгашнинг 2014 йил 29 декабрь, соат 10.00даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Улугбек шаҳарчаси, Ядро физикаси институти. Тел.: (+99871)289-31-18, 289-31-41, факс: 150-70-80; e-mail: info@inp.uz.

Авезов Давлат Қурбанбаевичнинг «Миокард инфаркти ўтказган беморларда сурункали юрак этишмовчилигининг эрта диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» (тиббиёт фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.19.01 рақамли Илмий кенгашда 14.00.06-Кардиология ихтисослиги бўйича илмий кенгашнинг 2014 йил 27 декабрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.

Маматхонов Аҳматхон Умархоновичнинг 02.00.10-«Биоорганик кимё» ихтисослиги бўйича «Rhaponticum carthamoides, Silene praemixta, Ajuga turkestanica va Ferula tenuisepta ўсимликларидан олинган экдистероидлар ва терпеноид спиртларининг мураккаб эфирлари асосида дори воситаларининг субстанцияларини олиш технологиялари жорий этиш» (техника фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси ЎзР ФА Биоорганик кимё институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.К/В/Т.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2014 йил 30 декабрь соат 10⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси, 83. Тел. (+99871)-262-35-40, (+99871) 269-03-24, факс: (+99871) 262-70-63; e-mail: mahmudgafurov@mail.ru.

Бекметова Феруза Матсапаевнанинг «Нобарқарор стенокардияли беморларда магистрал артериялар структуравий-функционал ўзгаришларининг ўзига хослиги ва гиполлипидемик терапиянинг фармакогенетик жиҳатлари» (тиббиёт фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.19.01 рақамли Илмий кенгашда 14.00.06-Кардиология ихтисослиги бўйича илмий кенгашнинг 2014 йил 27 декабрь соат 14⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.

Алимов Данияр Анваровичнинг «Тож томирдаги кўлаб шикастланишли юрак ишемик касаллиги билан оғирган беморларни даволашда интервенцион аралашувлар» (тиббиёт фанлари) мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 16.07.2013.Тиб.19.01 рақамли Илмий кенгашда 14.00.06-Кардиология ихтисослиги бўйича илмий кенгашнинг 2014 йил 29 декабрь соат 12⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.

Mutolaa

Илмга далил-исбот керак, ҳис-туйғуларга ҳаяжон. Ҳис-туйғуларга ҳар турли имо-ишоралар, қоңирликлар, уйдирма ва но-ишвалар ишлатиб қилинган устомонликлар керак. Ҳис-туйғулар билан фақат изоҳ бермасдан, улар ёрдами билан янги-янги нарсалар яратмоқ керак.

Ҳис-туйғулар воситасида маҳорат билан яратилган асар фикр ифода этишининг бир усулидир. Ёзувчи шу усулга мазмун бериб, ўзининг махсус услубини яратди. Бундай усулга мазмун қилиб олинган ҳис-туйғулар шу усулнинг жүшқинлиги ва тарзига қараб кишилар эътирини ўзига жалб этади; уларнинг инсон қалбига қанчалик узок таъсир кўрсата олиши уларнинг қучига боғлиқ бўлади.

Тафаккур, унинг омиллари, принциплари ҳамма одамда ҳам бор. Агар биров уни ифодаламаса, вақти келиб бошқаси ифода қилади. Лекин адабий асар — бир ёзувчининг меъаси. Бу асар бир кишига мансуб бўлса, унинг бошқа кишиники бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан ёзувчининг ҳақиқий ҳаёти фикрлар ва уларнинг омилларида эмас, балки унинг асарларидадир.

Албатта, адабий асар тўғрисида гап борганда, фикрлар билан бирга уларни ифодалаш усуллари ҳам, бирор ёзувчининг ўзига хос услуби ҳам назарда тутилади...

Фикрлар бобида ҳам гап ана шундай. ... Ҳамма одамларда фикр бор, ёзувчига шон-шараф келтирувчи нarsa — шу фикрларни ҳаммага ажойиб ҳузур бағишлайдиган махсус ифода усулини топганлигидир.

Шундай қилиб, адабиётнинг вазифаси оддий ҳодисаларга махсус тус бериш ва уларни халққа иккиламчи бор тақдим қилиш экани равшан...

Адабиётнинг предмети шундай ҳодиса ва нарсаларки, китобхоннинг дилини ҳаяжонга солиш учун ёзувчидан маҳорат, мазмундорлик, образ яратишни талаб қилади ва бундай ҳодиса ва ҳаяжонлар ўзимиз бошдан кечирмагунимизча китобхонларнинг онгига бориб етмайди. Улар бир шаклга киргандагина, мағзи чақилиб, бирор оҳанг касб этгандагина яшаш ҳуқуқига эга бўлади: улар инсон учун энг қimmatли нарсалардир; уларни кашф қилиб бўлмайди, шунчаки нуҳсандини кўчириш билан иш битмайди, уларни яратиш керак. Демак, улар бир яратилгандан кейин на ўзини, на жойини ўзгартириб бўлади. Уларнинг бутунлиги замири қисмларидир. Агар шундай бўлмаса, ундай адабиёт арзимас бир нарсa, у рад этишга лойиқ бўлиб қолади.

— Алло, тахририятми? Мен сизларнинг газетангизга бир эълон берган эдим. Йўқолиб қолган итими топган кишига юз доллар берман, деб. Бирорта янгилик борми?

— Кечирасиз, жаноб, мен бор-йўғи бир қоровулман, сизга бир нарсa дея олмайман. Барча хизматчилар итингизни излагани кетишган.

Машҳур физик Нилс Бор ҳали Геттингенда ўқиб юрган пайтида бир маърузага яхши тайёрланмай борди. Унинг маърузаси таъсирсиз бўлди. Аммо Бор ўзини йўқотиб қўймай, сўзининг охирида деди:

— Бу ерда мен шунча арзимас маърузалар тингланганимни, меникини, илтими, улардан олинган ўч деб билинглар.

ОЛМОН ЛАТИФАЛАРИ

Бошлиқлардан бири янги очилган кўрғазмани томоша қилгани келди.

— Ташкилотчиларнинг кўзи қаерда экан? Шунча ярамас асарларни бу ерга ошишадими?

— Эҳтимол, — деди ҳамроҳи тутилиб, — бу ерга шу асарларни яратган рассомни кўя олмангликлари учун шундай қилишгандир.

— Нойманнинг янги ҳикояси тўғрисида қандай фикрдасиз? — сўради вазир.

— Ажойиб ҳикоя, — деди танқидчи. Вазир бош чайқаб қўйди.

— Демокчанки, ҳар ҳолда, яхши.

У яна бош чайқаб қўйди.

— Ҳар ҳолда яхши, деганим, жаноб вазир, бу бировларга жуда кўл келади, деганим.

Вазир яна бош чайқаб қўйди.

— Вазирлардан кўра бу ҳикоя сўзларга фойдалирок.

Вазир яна бош чайқаб қўйди.

— Жаноб вазир, бу ҳикоя умуман жуда бўлмағур нарсa.

Вазир бошини яна бир марта чайқаб олди ва деди:

— Тикувчиларга ҳам ҳайронсан киши, қўйлакнинг ёқасини ҳам шундай тикадими? Қаранг, бўйинини қизартириб юборди.

Адабиёт — ўз ҳузурингни кўзлаб, фақат ўзинг учун ижод қилиш эмас. Кўп шоирлар ёзувчининг ижод илҳами шу даражада шахсий ишқи, ўз овозига ўзи маст бўлувчи қўшнинг сайрашига ўхшайди, китобхонлар бу ижод илҳомини нафасларини инга ютибгина эшитишлари мумкин, дейдилар.

Кушларнинг сайраши паррандалар оламига нисбатан ҳеч қандай мақсадни кўзламайди, деган фикримда каттиқ туриб олиш ниятим йўқ. Кўзламанса кўзламансам-да, бу тўғрида тортишиб ўтиришга ҳоҳат йўқ, аммо ёзувчининг мақсади — ўқувчига мушоаатдир.

Бундан адабиётнинг сунъий нарсa деб ҳисоблаш керак деган маъно келиб чиқмайди. Онанинг кўркак сути фақат болага аталган бўлса, мен уни табиий деб ҳисоблашга монелик кўрмайман.

Баъзи бир доираларда адабиётда тилсиз поэзия ва нафақат кишининг ўзи учун қайнайдиغان илҳом бор деган пуч бир фикр юради. Осмонга қараб ётадиган ва осмон сингари тилсиз бўлган кишини адиб деб аташ ёнмайдиغان дарактини олов деб аташ билан барабар. Поэзия жаранглаб туриши керак, юракда бирор нарсa борми-йўқми деган муҳокамалардан одамларнинг бирор жойи қамайиб ҳам қолмайди, ортиб ҳам кетмайди. «Ширинлигини ёр-биродарларинг билан баҳам кўр» деган мақол бор. Омбордаги жамғариб қўйилган нарсаларни таҳминан ҳисоблаб чиққан билан одамлар бахтли бўлиб қолмайди, ширинлики уларнинг кўлига тутқазиб керак.

Адабиётдаги ўзинг учун илҳом ҳақида ҳам шундай дейиш керак. Асар муаллифга мансуб нарсa эмас — бизнинг масалага қарашимиз шундай. Бинобарин, фақат мана шу мавқедадан туриб муҳокама қилиш керак.

Бизнинг онгимиз ўзини бошқа одамлар онги орқали билиб олишга мойилдир, бу табиий ҳол. Биз табиятда хайвонлар ҳаммиса насл орттиришга ва дунёда яшаб қолишга интилишларини кўриб тураемиз. Ҳар бир жонивор насл орттириш ва дунёда яшашга қанча кўп қобилиятли бўлса, унинг яшашга ҳаққи шунча кўп бўлади, бу билан у мавжудлигининг ҳақиқат эканлигини тасдиқлагандай бўлади.

Инсон онгида ҳам шундай интилиш бор. Бунда фарқ шуки, ҳаёт ҳуқуқи макон ва замон билан боғлиқ ҳолда тафаккур қилинади. Онг ҳуқуқи эса идрок ва замон нуқтаи назаридан тафаккур қилинади. Инсон онги ҳаммиса мумкин қадар кўпроқ одамлар миёсига илҳом борича кўпроқ вақт таъсир кўрсатишга интилиб

келган. Бу беҳад истаклар қадим замонлардан буюн беҳисоб ҳарфлар, тиллар, лавҳаларда, тошларга ўйилган белгиларда, металл қўймаларида, териларга солинган нақшларда, дарахт пўстлоғи, барг ва қоғозларга чўтка, қалам ва ҳоказолар билан ўнгдан чагча, қапдан ўнгга, юқоридан пастга, ўртадан ўртага қараб ёзилган сон-саноксиз ҳарф-ёзувлар ва суратларда ўз ифодасини топган! Йўқ бўлиб кетарканми? Ҳеч-да, мен ўйлаб, ҳис қилган нарсаларим ҳеч замон йўқ бўлиб кетмайди. Азоб-машаққатлар билан бошдан кечирилган бу нарсалар оғиздан оғизга, асрдан асрга кўчиб юради. Уйим, дунём, тан-жоним, шодлигим ва ғам-ғуссаларим — буларнинг ҳамма-

ҳамма мамлакатларда ҳам бир хилда абдий, тинимсиз бир фикр бизга раҳнамолик қилади, бу фикр — инсон қалби абадий тирик бўлсин, деган фикрдан бошқа нарсa эмас...

Адабиётда инсон учун энг қimmatли нарсa ана шу абадийликка интилишдир. Шу ваҳдан ватанпарварлиги кўзи кетган танқидчилар «мазмундор» адабиёт этишмаяпти деб дод-вой солмоқдалар, мамлакат пиеса, роман, шеърга тўлиб кетди-ю, лекин ёзувчилар ҳамон ёзилларини бас қилмайдилар. Чунки «мазмундор» адабиёт ҳозирги куннинг эҳтиёжини қондиради, «актуал бўлмаган» адабиётнинг эса барқарор бўлишга имкони кўпроқ.

Рабиндранатх ТҲАҚУР,
Нобель мукофоти лауреати

АДАБИЁТНИНГ
ВАЗИФАСИ

си йўқ бўлиб кетади, лекин ўйлаган ва ҳис қилган нарсаларим, инсон тафаккури, инсон идрокининг мулки бўлиб қолган нарсa тирик жонлар дунёсида абадий барҳаёт бўлади...

Буюк шаҳаншоҳ Ашока ўз сўзларини абадийлаштириш учун уларни қояга майда-майда ҳарф ўйиб ёздирган. Қоянинг дунёдан ўтмаслигини, йўқ бўлиб кетмаслигини, охири йўқ замоннинг йўли бўйида мангу туришини билган, асрдан асрга янги-янги йўловчилар бу сўзларни ўқиб турсинлар деган.

... Шунча асрлардан кейин шаҳаншоҳ Ашоканинг буйруғи, ниҳоят, ажнabийлар ёрдами билан маъно касб этди. Унинг фармонларида бирор каттароқ маъно ҳам йўқ экан, ўзининг қандай буюк подшоҳ ўтганини, нималарни ниёт қилиб, нималарни рад этганини, нималарни эзгулик деб билиб, нималарни ёмонга чиқарганини ҳар бир йўловчи билиб қўйсин деган ниятда ёзиб қолдирган экан. Унинг фикри ҳамма инсонларнинг онига бориб етишига интилиб, юз йиллар шу йўлда ҳайқалдай қотиб турган...

Бу сўзларни айтишдан мурод Ашока фармонлари адабиётдир дейиш эмас асло. Буларнинг ҳаммаси инсон қалбига бирдан-бир орзу нима эканини исбот қилиб беради, холос. Ёдрогликлар, суратлар яратганимизда, поэзиямизда ибодатхоналар бунёд қилганимизда

...Маънавий дунёга дахлдор ҳамма нарсалар кенг ёйилган тақдирда ҳам эскирмайди. Бирор илмий ютуққа эришганидан кейин унга яна қайтиб ўтиришнинг ҳоҳати йўқ. Оловдан ҳаммиса иссиқ чиқади, қуёш ҳаммиса юмалок, сув суюк, бу ҳақиқатларни бир марта идрок қилиб олсанг кифоя. Сизга бу нарсани бирор киши янги ютуқ деб яна иккинчи қайта кўтариб чиқса, киши аччиги чиққандан ўзини босиб туролмай қолади. Лекин агар гап инсон ҳис-туйғулари устида борса, бу мавзуга тез-тез қайтганда ҳам, бу кишининг жонига теғмайди. Қуёш Шарқдан чиқади деган фикр ортиқ диққатимизни ўзига тортмаса ҳам, лекин қуёш чиқши одамга латофат ва нур бағишлайди деган фикр дунёда ҳаёт пайдо бўлган замондан то бизнинг кунларимизгача зарарча ҳам эскирган эмас. Аллазамонлардан буюн ҳис қилиб, инсонлар бошдан кечириб келган нарсалар янада чўқур маъно касб этиб, кишини яна кўпроқ ўзига ром қилади.

Шу сабабдан ўтмишда инсон боласи ўзи мангу сўнмас ва мангу эскирмас деб билган бирор нарсани авлод-аждодларга абадий жозибадор ҳолида қолдиришни орзу қилса, тафаккурни ёрдамга чақирган. Ана шунинг учун адабиётнинг асосий соҳаси илмий ютуқлар эмас, балки инсон онги ва инсон ҳис-туйғулари бўлган.

ҚАНОАТСИЗ ТУЛКИ

Масал

Бир оч тулки овқат қидириб уясидан ташқарига чиқди ва ҳар тарафга югурди. Ногоҳ бурнига ёқимли бир ҳид келди ва жонига қувват берди. Шу ҳид келаятган жойни қидириб кетди. Йўлда бир парча тери ётган экан. Гўштини бир парранда еб, терисини ташлаб кетган экан. Тулки жуда хурсанд бўлди. У бир парча терини тишлаб уясига қайтди. Йўлда бир қишлоқнинг четидан ўтиб кетаётганида кўзи донлаб юрган семиз-семиз қушларга тушди. Бир зийрак қул қушларни боқиб юрарди. Тулки семиз қушларнинг гўштини егиси келди ва терини не ҳасрат билан топгани эсидан қолди. Шу вақт бир шақал келиб қолди ва тулкига қараб деди:

— Ҳар биродар, анча ўйлаб иш қиладиганга ўхшайсан, хайрли бўлсин.

Тулки деди:

— Эй оғайни, бу қушларни кўрасанми, орзу қилган куш гўшлари ана шуларда топилди, бошларидан оёқларига-ча фақат гўшт. Мен неча мунда чет оқлик балосига грифтор эдим. Бугун ризқ ҳазинадори мана шу бир парча терини марҳамат қилди. Аммо иштаха шуни талаб қиладики, бу қушлардан бирини чангалимга киргизиб, тириклитимни ширин ўтказсам дейман.

Шақал деди:

— Хайхот, хайхот! Кўп вақтлардан бери бу қушларнинг бирортасини қўлга киритай, деб пойлаб юрардим, аммо бу зийрак қул шундай асрайдики, бирор овчи бу қушларнинг парини тушида ҳам кўролмайдими ва нақош уларнинг қанотини ҳаёлига ҳам келтира олмайди; мен ҳам шу орзу билан умр ўтказаман, хаёл билан кечани кундуз, кундузни кеча қиламан. Эй тулки, бир парча тери топилсан шунга қаноат қил ва фанимат бил. Қуш гўшти ейиш орзусидан кеч.

— Эй биродар, — деди тулки, — ҳар нарсадан бебаҳра бўлиб, арзимас нарсаларга қаноат қилиб ўтириш ярамайди; гўзал чаманзорда кайф-сафо сурмай, мехнат тиканзоридан умр ўтказмоқ айбдир. Шунинг учун бир парча терига қаноат қилиб, семиз гўшдан воз кечишимга менинг бандан ҳимматим асло йўл қўймайди.

Шақал деди:

— Эй, хомтама, сен очкўзликнинг отини бандан ҳиммат қўйибсан, бу ярамайди. Баднафслик ёмон. Қаноат қилсанг, роҳат кўрасан. Ўз ризқингга қаноат қилиб, бу ишдан воз кечганинг яхшироқ, мен беҳуда иш билан бир парча терингдан ҳам ажраб,

очликдан йиқилиб қолмагин деб кўркаман.

— Сен қараб тур, мен қандай ҳийла билан қушларни қўлга киритар эканман, — деди тулки ва қушларга қараб ўйланди. Шақал бегарас назоратларининг тулкига таъсир этмаганини кўриб ва тулкидан юз ўгириб ўз ватанига жўнади. Шу вақтда очлигидан овқат истаб осмонда учиб юрган бир кузгуннинг кўзи бир парча терига тушди. Кузгун терини бир жонивор гўмон қилиб, унинг устига ташланди ва хурсандлик билан чангалига олиб осмонга кўтарилди. Аммо тулки ҳали қушларга яқинлашиб етгани ҳам йўқ эди, қоровул қул уйдан чоғиб чиқиб, бир гавронинг отди. Гаврон келиб тулкининг қўлига теғди. Бечора тулки жон ваҳмидан қушлардан умидини узиб, йиқилиб-сурилиб қочди ва терини ташлаб кетган жойига келди. Аммо тери жойида йўқ эди; тулки осмонга қараган эди, терини кўтариб учаётган кузгунни кўрди, тулки қуш гўшtidан умиддор бўлиб, теридан ҳам ажралди. Бу ҳол унга жуда алам қилиб, бошини ерга бир урган эди, боши ёрилиб, сулайиб қолди.

(«Калила ва Димна»
китобидан.)

2014-yil 3-dekabr, № 97 (8746)

Оилада аёл кишининг ўз саломатлигига эътиборли бўлиб, jismoniy тарбия ва спорт билан шуғулланиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай оилада фақат jismoniy эмас, балки маънавий соғлом муҳит яратилади ва фарзандлар ҳам ҳар жиҳатдан баркамол улғаяди. Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида юртимизда хотин-қизлар, хусусан, уй бекалари ўртада спортнинг нафисларини омаллаштиришга алоҳида урғу берилмоқда.



СПОРТЧИ УЙ БЕКАЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Айтиш керакки, бу борда шаҳару қишлоқларимизда бирдек шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Жумладан, республикамизда оилавий спортни тарғиб қилувчи жами 72 та иктисослаштирилган спорт секцияси намунали ишлаб турибди. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижада айни пайтда спорт-жалб қилинган қизларимиз сони 7 миллион 47 минг 324 нафарни, мунтазам шуғулланаётганлар сони эса 3 миллион 10 минг нафарни ташкил этади. Спорт билан шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани кувонарли, албатта.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида ўтказилган аънавий «Гимнастика — барча учун» аёллар спорт мусобақасининг республика босқичида ҳам бунга ғувоҳ бўлдик.

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 168 нафар иштирокчи голиблик учун куч синашди. Гимнастрада барча учун очик; аниқроғи, унда 3 дан 80 ёшгача бўлган спортсевар уй бекалари

ва ёш қизалоқлар ўз имкониятини текшириб кўриши мумкин.

— Аёлларимиз ўртасида гимнастрадада спорт ўйинларини ўтказиш аънаёнага айланди, — деди мусобақанинг очиқлик маросимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова. — Бундан кўзланган мақсад хотин-

қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди. Бундай кўрсаткичлар хотин-қизларимиз ўртасида гимнастикага қизиқишни янада оширади.

Мусобақада иштирокчилар жамоавий бирдамлик, дўстона кайфиятда голиблик учун курашдилар.

— Сафимизда катта ёшли аёллар жуда кўп, — деди фарғоналик уй бекаси Раънохон Раҳмонова. — Фестивалда 13 кишидан иборат жамоамиз билан қатнашялмиз. Кўргазмали чиқишда акробатика ва гимнастика элементларини намойиш этдик. Ёшим 52 да, бироқ ҳали ҳам бардам ва тетикман. Чунки гимнастика билан шуғулланишни қанда қилмайман. Фарзандларимга ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиш саломатлик учун муҳим омил эканини ўқтираман. Бундан ташқари, гимнастрада баҳона кўплаб дўстлар орттирдим.

Мурасисиз тарзда ўтган мусобақа якунида голиб ва совриндорлар номи эълон қилинди. Унга кўра, 1-ўрин Наманган вилояти жамоасига, 2- ва 3-ўрин Навоий ҳамда Самарқанд вилояти спортчиларига насиб этди.

Одина ҚУЛМУРОВА, «Ma'rifat» мухбири

Gimnagrada—2014

қизлар ўртасида соғлом ҳаёт тушунчасини қундалиқ турмуш тарзига сингдириш, jismoniy тарбияга кенг жалб этиш орқали репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, соғлом болани вояга етказишга ҳисса қўшишдан иборат.

Мамлакатимизда jismoniy тарбия ва спортни раванқ топтириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга дунёнинг ҳаваси келмоқда. Спортчи қизларимизнинг халқаро микёсда кўлга киритаётган ютуқлари салмоғи охири бормоқда. Яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ҳам бадий гимнастикачи қизларимиз жамоавий бахсларда китъамизнинг кучли жамоаларини ортада

3-dekabr — Xalqaro nogironlar kuni

КЕЛАЖАКНИ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТНИ ҲАҚИҚАТЧИЛИК БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. ЭЪТИБОРЛИСИ ШУНДАКИ, ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНГА ҚАРАМАЙ, ФУТБОЛНИ ҲАҚИҚАТНИНГ МАЗМУНИГА АЙЛАНТИРГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАМ КЎПЛАБ ТОПИЛАДИ.

Бир кунги ўғлим билан метрополитен вагонига чиққандим, иккита бола дарров ўрнидан туриб, менга жой берди. Уларнинг имо-ишоралар орқали сўзлашишдан билдимки, иккиси ҳам қар.

— Сиз футболчи Аҳмедовмисиз? — деб сўради улардан бири. Ҳайрон бўлдим.

— Қайси Аҳмедовни айтаяпсиз? — дедим.

Уша бола мени Ўзбекистон қарлар миллий терма жамоаси аъзоси Ҳаким Аҳмедовга ўхшатганини айтди. Улар янглишганини билгач, қулиб «Мен бошқасиман», дедим.

Моҳир футболчи, мустаҳкам иродали инсон сифатида ном қозонган Ҳакимни яхши биланам ва уни айрим ўртоқларим менга ўхшатишидан қувонаман ҳам. У бугун юртимиздаги барча қар ва соқов болаларнинг «юлдуз спортчи»-сига айланган. Кўплаб имконияти чекланган ҳаваскор ёшлар унга тақдир қилади, катта ёшдагилар эса ҳурмати жойига қўяди. Ҳаким узок йиллардан бери қарлар терма жамоасининг етакчи аъзосигина эмас, балки сардори сифатида ҳам сермасхул ўйин кўрсатиб келмоқда.

Ўқувчилик пайтларим футболсевар дўстларим билан ҳафтасига 3 марта машғулотларга қатнардим. Ушанда Ҳаким билан танишганман. У 101-қарлар махсус мактаб-интернатда ўқирди. Майдонда ҳам, кўчада ҳам фаолиги ва камтарлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Узининг айтишича, 5 ёшидан футболга қизиққан. Бунга Мурод ақаси сабабчи бўлган экан. Уларнинг уйлари қарлар маданият саройига яқин бўлгани учун ақаси билан бирга тез-тез футбол ўйнаб турарди. Буни қарангчи, фалакнинг гардиши билан айни дамда ақаси қарлар миллий терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланган.

Ака-ука Аҳмедовларнинг Ўзбекистон қарлар футболни дунёга танитишда ўрни катта. Жумладан, 2000 йили Тайвандан ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон қарлар жамоаси фахрли 3-ўрини кўлга киритди. Ушанда гуруҳда непалликлар дарвозасига жавобсиз 28та гол киритилган бўлса, 12тасини айнан Ҳаким урган. Турнир якунигача эса рақиблар дарвозасини жами 18 маротаба ишғол этиб, «Энг яхши тўпурақ»га айланган. Бундан ташқари, 2001 йили шу жамоа Рим шаҳри(Италия)да бўлиб ўтган Жаҳон қарлар сурдлимпияси йўлланма-

сини ҳам кўлга киритди. Италияда улар дунёнинг кучли 16 терма жамоаси орасида 9-ўринни банд этганди.

2011 йили Кореянинг Чангвон шаҳрида кечган Осиё чемпионатида юртдошларимиз Эрон, Япония, Жанубий Корея ва Таиланддан кейин 5-ўринни эгаллаб, 2012 йили Туркияда ўтказилган қарлар ўртасидаги мундиалга йўлланма олди. Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этишди.

Яқинда Ҳаким билан учрашиб, болалик хотираларимиз билан ўртоқлашиб, вақти бўлса, бироз футбол ўйнаш истигада Ўзбекистон қарлар маданият саройига бордим. У майдонда бор эътиборини ёш шогирдларининг машғулотларига қаратган экан.

— Сунгги пайтларда қарлар маданият



саройида бошқа спорт турларига қараганда футболга қизиқиш юқори, — деди у вазиятни тушунтирдик. — Ёш футболчилар узок вилоятларда яшасалар ҳам, пойтахтга келиб, акамдан футбол силарини ўрганишадди. Ватанимиз довергунини янада дунёга таратиши учун терма жамоани кучайтириш, навқирон авлод вакиллариини жалб этган ҳолда таркибини ёшартириш жуда муҳим. Шу боис акамнинг ёнига кириб, қўлимдан келганича ёрдам берайман.

Ҳа, Ҳаким ҳам худди ақаси сингари футболимизнинг нафақат бугун, балки эртаси — порлоқ келажаги учун қайғурмоқда. Бу каби руҳи тетик, қалби қайноқ, ҳаётсевар спортчи-мураббийлардан кўплаб эзгу ишлари кутиб қоламиз.

Маъмур АҲЛИДИНОВ, Тошкент шаҳридаги 102-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати собик ўқувчиси

ЎЗИМИЗ ВА ЎЗГАЛАРНИ АСРАЙЛИК

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳоли пунктлари ва иктисодий тармоқларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қувватимиз микёсда катта эътибор қаратилиб, бу йўналишда маъсулиятни ошириш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан бошлаб республика микёсидан ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да барча, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, тураржойлар ва таълим муассасалари жамоалари фаол иштирок этмоқда.

Ойлик тадбирларнинг иқтисодий захиралар, моддий бойликларини ёнғиндан муҳофаз

этишга қаратилгани, муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги аҳолига етказилмоқда. Ёнғинларнинг олдини олишга доир эслатма ва плакатлар тарқатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бир хонадонда содир бўлган ёнғиннинг қисқа вақт ичида қўшни хонадонларга ҳам ўтиб кетиши ҳолатлари кўплаб қузатилмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бугунги кунда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиш лозимлиги аҳолига тушунирилмоқда.

Қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларида мейёрларга амал қилинмаётгани ҳам ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, кўп қаватли уйлар орасидаги йўللарга

сунъий тўсиқлар ўрнатилиши, банд панжаралар ёки бинолар қуриб олиниши, шахсий автомобильларнинг тартибсиз қўйилиши каби ҳолатлар ёнғин с о д и р бўлган ж о й га ёнғин учир

риш техникаларининг этиб боришини қийинлаштирмоқда.

Ёнғинларнинг олдини олиш ва аянчли оқибатларидан аҳолини яна бир бор огоҳ этиш мақсадида ўтказилаётган кенг қамровли «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» шу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ф.МУТАЛОВ, ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, майор Р.ҲАЛИМОВ, 32-ҲЁХ смена бошлиғи, капитан

Давлатёр ака ишхонасидан шошилиб чиқиб кетди. Доим бемалол юрадиган одам бирдан ўзгариб қолса, атрофдагилар ажабланиши табиий. Бунинг эса жиддий сабаби бор экан. Унга бир дақиқа олдин кўнғироқ бўлганди: «Тез этиб келмасангиз бўлмайди, қўшни. Уйимдан чиққан олов сизникига ўтибди. Кейинги ҳовлига ҳам туташмасин, дарвозангизни очолмаяпмиз».

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қиладиган юртдошларимизнинг уйлари ҳам бошқаларнинг дастидан олов чанғалида қолади. Бу кишининг ўз билганича қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланиши қўшниларга ҳам зиён етказиши. Ўзи талафот кўрган етмагандек, ён-атрофда истиқомат қилувчи аҳолига ҳам ташвиш-тахлика туғдиради.

Ҳозир мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Бу ой давомида юртдошларимиз сергак тортиб, мейёр ва қоидаларга амал қилишадди. Аслида, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига нафақат ойлик доирасида, балки ҳар кунги амал қилишимиз керак.

З.АҚБАРОВ, 12-ҲЁХ а/п смена бошлиғи, капитан

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида мусиқа ва санъат йўналишидаги энг иқтидорли болалар ва ўсмирларни кўллаб-қуватлаш, рағбатлантириш, уларни байрамона болалар либослари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Бундай эътибор ва ғамхўрлик болалар ашула ва рақс ансамбллари фаолиятини янада ривожлантиради, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматов. — Мамлакатимизда болалар маънавий олами бойитиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида она Ватанга муҳаббат, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, кўшиқчилик ва рақс санъатини янада тараққий эттиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Тадбир сўнггида «Томоша» болалар мусиқий театр-студияси, «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли ҳамда «Ором» ашула ва рақс дастаси, «Тантана», «Севишч» фольклор-рақс жамоалари ижросида куй-кўшиқлар янгради.

Боббек МАҲРАМОВ



Санъат гулшанининг гунчалари

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

• реклама • ЭЪЛОН • реклама • ЭЪЛОН • реклама • ЭЪЛОН • реклама • ЭЪЛОН • реклама • ЭЪЛОН

SHARIM

Ta'lim

Abituriyentlar uchun yangi elektron testlarni endilikda O'zbekistonning istalgan nuqtasidan turib olish mumkin!

O'zbek va rus tillarida

DIQQAT! Endilikda testlarning istalgan quyidagi uch versiyasidan foydalanish mumkin:

- to'liq versiya (10 ta fan)
- komplekt (ta'lim yo'nalishiga bog'liq 3-4 ta fan)
- alohida fanlar

ONA TILI VA ADABIYOT

MATEMATIKA

FIZIKA

BIOLOGIYA

KIMYO

TARIX

GEOGRAFIYA

INGLIZ TILI

NEMIS TILI

FRANSUZ TILI



Guvohnoma №005067-03

- O'tgan yillardagi o'tish ballari
- Kasbga yo'naltirish bo'yicha testlar
- O'quv yurtlari va mutaxassisliklar haqida batafsil axborot

Batafsil ma'lumotlarni WWW.MG.UZ saytidan yoki +99871 283-23-74, 283-39-34 telefonlari orqali olish mumkin.

Xizmatlar litsenziyalangan.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1224. Tiraji 38969.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Hamza ABDULLAYEV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 22.20 Topshirildi — 23.00

1 2 4 5